O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК АЗИЗ МУАЛЛИМАЛАР!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 8-mart, shanba | № 19 (7524)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Суюкли қизларим!

Бугун, баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, янгиланиб бораётган ушбу дамларда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини қутлуғ айём — 8 март байрами билан муборакбод этиш, кўпчилик қаторида сизларга ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қилиш менга катта қувонч ва мамнуният бағишлайди.

Биз дунё гўзаллигини, ҳаёт фалсафаси ва маъно-мазмунини авваламбор аёл сиймосида, унинг фидойи қалби, вафо ва садоқатида кўрамиз, ҳис этамиз.

Маълумки, ҳар қайси инсон аёл зотига бўлган меҳр-муҳаббатини изҳор этиш учун беихтиёр шеърият, назм оламига мурожаат қилади. Шу маънода буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг:

Чун азалдин шаҳи жаҳон сизсиз,
Бўлмасун бир нафас жаҳон сизсиз,

деган ўлмас сатрлари барчамизнинг дилимиздаги ҳис-туйғуларни ёрқин ифода этади.

Биз аёл зотини Оллоҳ таолонинг беқиёс мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Чиндан ҳам, тарихимиз ва бугунги кунимизга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу таъриф замирида асрлар, минг йиллар давомида ҳаётимизда тоғдай таянч ва суянч бўлиб келаётган аёл сиймосига мансуб буюк ҳақиқат мужассам эканини англашимиз қийин эмас.

Нега деганда, одамзот машаққатли синовларни енгиб ўтиш, Фарҳод каби чўлларга сув чиқариш, оламшумул кашфиётлар яратишдек улуғвор ишларни ўзига тасаввур этиши мумкин. Аммо ҳеч ким, ҳеч қачон бир нарсани тасаввур қила олмайди: аёлсиз ҳаёт йўқ ва бўлмайди ҳам.

Шу боис халқимиз, миллатимизнинг тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, уни ҳимоялаш, керак бўлса, бутун борлиғини аёл учун бахшида этиш ўзини эр йигит деб билган ҳар бир инсон учун наинки машҳур достонларда, балки ҳаётнинг ўзида ҳам шарафли бир иш, мардлик ва қаҳрамонлик намунаси бўлиб келган. Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда сиз, муҳтарама опа-сингилларимизнинг янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз халқига садоқатли ёш авлодни тарбиялашда, ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла ва шу асосда бутун юртимизда тинчлик-осойишталик, қут-барака ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган катта хизматларингиз ва сабру бардошингизни Ватанимиз юксак қадрлайди.

Истиқлол йилларида хотин-қизларимизнинг жамиятдаги нуфузини кўтариш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз қобилият ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас. Бу фикрнинг тасдиғини нафақат марказда, юртимизнинг олис туманлари, шаҳар ва қишлоқларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илму фан, халқ таълими, соғлиғни сақлаш, спорт каби ижтимоий соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва роли ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фермерлик, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти каби бугун замон ва бозор муносабатлари талаб қилаётган соҳаларда ҳам опа-сингилларимизнинг фаол иштироки ва нуфузи тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

(Давоми 2-бетда)

МАҚСАД — ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ

6 март куни Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари "Дўрмон" қароргоҳида бўлиб ўтди. Юксак мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан кейин Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Словакия раҳбари билан яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболи, халқаро муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро миқёсдаги долзарб муаммолар юзасидан фикрлашар экан, Ўзбекистон ва Словакиянинг муайян масала ё вазиятга бераётган баҳоси, қарашлари ва муносабатлари яқин эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Словакиянинг Европа ҳамжамияти ва Евро-Атлантика тузилмасига интеграциялашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва унинг бу борадаги ютуқлари икки томонлама ҳамкорлик ривожи учун янги имкониятлар очишига қатъий ишонч билан қарайди.Ўз навбатида, Словакия Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсат майдонидаги фаол ҳаракатларини ва халқаро аксилтеррор коалициясига кўрсатаётган ёрдамини юксак даражада қадрлайди.

Икки мамлакат раҳбарияти ҳам, БМТ, НАТО, "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида халқаро уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, миллий, минтақавий ва дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш лозим, деган фикрни ёқлайди.

Президентлар ўзаро муносабатларни муҳокама қилар экан, савдо-иқтисодий соҳада мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётганини қайд этди. Ўзбекистонда словакиялик шериклар билан тузилган қўшма корхоналар сони анча кам. Савдо-иқтисодий муносабатларни баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтайдиган экспорт-импорт ҳажми ҳам томонларни қониқтирмайди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, билимли, ижодкор хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини, маданий-маънавий қадриятларни юксалтиришдаги ибратли фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 1999 йил 10 июндаги Фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг таклифларига биноан, аъло хулқи, зукколиги, доно-лиги, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг иқтидорли қизлари Зул-

(Давоми 2-бетда)

ЗУККО, ДОНО, ТАШАББУСКОР ҚИЗЛАР

3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз ёруғ келажагимизни қуриш, ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаётга эришишга қаратилган дастурларни амалга оширар эканмиз, юртимизда аёл зоти учун ман қилинган, улар қатнашмаётган бирон-бир тармоқ ёки соҳа бўлмаслиги даркор. Аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, бу йўлдаги барча сунъий ғов ва тўсиқларни, ҳар қандай чекловларни бартараф этиш, хотин-қизларга менсимай қараш каби ўтмишдан қолган салбий одатларга бутунлай барҳам беришга бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздан бири, деб қарашимиз керак.

Бу борада қилаётган хайрли ишларимиз, жумладан, ёш истеъдод соҳибалари учун Зулфия мукофотини таъсис этганимиз ҳам ҳаётга катта орзу-интилишлар билан кириб келаётган қизларимизга ўз имконият ва қобилиятларини рўёбга чиқаришда кўмак ва мадад бериши муқаррар.

Мен ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, шубҳасиз, ҳар қайси туман, вилоят ҳокимликлари ва марказий идоралар раҳбарларининг нафақат вазифаси, балки инсоний бурчига айланиши даркор, деб биламан.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бориши билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хусусан, ҳомиладор аёлларга ғамхўрликни кучайтириш, соғлом фарзандлар дунёга келиши учун тиббий масканлар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш, ёш болали оилаларга давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ёрдамнинг самарасини ошириш масаласи ҳам доимо диққатимиз марказида бўлиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг кўпчиликка маълум бўлган фикрини давом эттириб, мен «Соғлом авлод ўстираётган юртнинг келажаги буюк ва қудратли бўлур» деган қараш умуммиллий шиоримизга айланиб қолишини истардим.

Бу борада шу йилнинг ўзида амалга ошираётган режаларимиз, хусусан, «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган амалий вазифалар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин мен, фурсатдан фойдаланиб, нафақат бугунги кунимизни, айни пайтда келажагимизни ҳам белгилаб берадиган бир фикрни, яъни аёлларга қанча ғамхўрлик қилмайлик, барибир уларнинг олдида ҳамиша қарздормиз, деган фикрни билдириб, юртимизнинг барча ўғлонларини, аввалambор, катта-кичик раҳбарларни ана шундай тушунча ва ғоялар билан яшашга даъват қилмоқчиман.

Қадрли опа-сингиллар!

Бетакрор юртимизда баҳор ва бахт айёми бошланаётган мана шу унутилмас дамларда юрагимда барча аёлларимизга бўлган ҳурмат ва меҳр-муҳаббат туйғусини яна бир бор изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Агарки мендан, дунёдаги энг зебо, энг латофатли, оқила аёллар, сулув ва дилбар қизлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмай, ғурур ва ифтихор билан «Мўътабар Ўзбекистонимиз заминида» деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳамиша эзгулик ва шафқат, меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли бўлган сиз, азизларни бугунги гўзаллик ва нафосат байрами билан чин дилдан қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Табаррук оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин! Азиз опа-сингилларимизнинг орзу-умидлари ушалсин! Ёш қизларимиз, жажжи невараларимизнинг истаклари рўёбга чиқсин!

Мунис чеҳраларингиз доимо шодлик ва табассум нуридан мунаввар бўлсин. Кириб келаётган баҳор нафаси барчангизга бахт ва саодат келтирсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАҚСАД – ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентлар иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг фаоллигини ошириш ҳамда Словакияга Ўзбекистондан мутахассис ва ишбилармонлардан иборат делегация жўнатишга келишиб олди. Матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу делегация бевосита корхона ва ташкилотларда бўлиб, ҳамкорлик имкониятларини ўрганади. Мулоқотлар ниҳоясига етгач эса, Словакия Президенти қабулида бўлиб, қандай натижаларга эришилгани ҳақида ахборот беради. Яъни, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масаласи давлат раҳбарларининг назоратида бўлади.

Ўзбекистон ва Словакия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ҳам асосан иқтисодий ва сиёсий масалаларга эътибор қаратилди. Президент Ислом Каримов машинасозликда, жумладан, саноатнинг тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика, нефт қазиб олиш ва қайта ишлаш, мебелсозлик каби тармоқлари ускуналарини ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик самарали ривожланиши мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, компьютер техникасига оид соҳаларда илмий-техникавий ҳамкорлик имкониятлари катта эканлигини қайд этди.

Рудольф Шустернинг сўзларига кўра, Ўзбекистон раҳбари икки томонлама муносабатлар ва Словакияда кечаётган жараёнларни теран идрок этади. Словакия Президенти яккама-якка суҳбат сермазмун кечганидан мамнуният изҳор этди ва Ислом Каримовнинг ўзаро алоқаларга бундай ёндашувини юксак даражада қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон билан муносабатларимиз жадал ривожланмоқда. Фақат ҳуқуқий асос мустаҳкамлигига қарамай, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик кўлами паст. Биз, аввало, шу соҳадаги алоқаларимизни ривожлантириш учун Ўзбекистонга келдик. Бизнингча, бу борада қўшма корхоналар тузиш энг самарадор йўлдир. Ўзбекистон Президенти билан суҳбат чоғида фикрларимиз бир жойдан чиқди, деди Словакия раҳбари.

Таъкидламоқ жоизки, ҳар бир корхона, ҳар бир давлат фойда бор жойга ошиқади, ўша ерда ўз ўрнига эга бўлишни хоҳлайди. Ўзбекистонда словакиялик ишбилармонлар, Словакияда ўзбекистонлик ишбилармонлар учун шундай имкониятлар мавжуд. Тўқимачилик саноатини мисол келтириш мумкин. Бу соҳаси яхши ривож топган Словакия хомашёни бевосита Ўзбекистондан олмайди. Амалда эса, хомашё, иш кучи, транспорт ва савдо нуқтаи назаридан энг катта қулайликлар таъминланадиган қўшма корхона тузишга эътибор суст. Шериклик асосида тузиладиган қўшма корхоналар, нафақат икки мамлакатнинг ички эҳтиёжларини қондириш, балки бошқа мамлакатлар бозорларига кириб бориш имконини беради. Айниқса ўз минтақаларининг марказида жойлашган Ўзбекистон билан Словакия бундай имкониятларни ишга солишдан катта наф кўриши тайин.

Жуғрофий жойлашувнинг сиёсий аҳамияти ҳам анча катта. 2004 йилнинг 1 майида Словакия Европа Иттифоқининг аъзоси бўлади. Бу эса, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик битимининг аҳамиятини янада оширишда Европанинг марказидаги давлат — Словакия муҳим ўрин тутиши мумкин, деганидир. Ўтган йилнинг ноябр ойида Прагада Словакия НАТОга ҳам расман таклиф этилди. Рудольф Шустер ўз мамлакатининг мазкур тузилмага қўшилиши тегишли ҳужжатларнинг ратификацияси билан боғлиқлигини таъкидлар экан, ушбу жараён 2004 йили муваффақиятли якунланишига ишонч билдирди. Демак, Ўзбекистон НАТО доирасида бу мамлакат билан ҳамкорликни янада кенгайтириши мумкин. Лекин президентлар, алоқаларни янги поғонага олиб чиқиш учун ҳозирданоқ амалий ҳаракатларни бошлаш лозим, деган якдил фикрни айтди.

Музокараларда Словакия томони Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги музокараларда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашини билдирди. Шунингдек, Рудольф Шустернинг Словакия 2006-2007 йилларда БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзоси бўлишини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифини Ислом Каримов маъқуллади.

Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини 17 та ҳужжат ташкил этар эди. Улар орасида Президентимизнинг 1997 йил 16-17 январ кунлари Словакияга расмий ташрифи чоғида имзолаган Ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш ҳамда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар алоҳида ўрин тутади. Дўрмондаги музокаралар якунида бу ҳужжатлар сирасига яна иккитаси қўшилди. Ўзбекистон билан Словакия ўртасида икки томонлама солиқ солиш ва мулкдан келадиган даромаддан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида ҳукуматлараро битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Словакия "Эксибанки" ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

"Дўрмон"даги тадбирлар ниҳоясига етгач, Словакия раҳбари Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ҳамроҳлигида Хотира майдонига ташриф буюрди. Юксак мартабали меҳмон эрк ва тинчлик йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, "Мотамсаро она" ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Словакия Президентига мазкур академиянинг Фахрий доктори унвони берилди. Рудольф Шустернинг бу ерда таълим бераётган олим ва мутахассислар ҳамда таҳсил олаётган талабалар билан учрашувида икки мамлакатнинг маданий-маърифий, илмий алоқалари хусусида сўз борди.

Словакия раҳбари Темурийлар тарихи давлат музейида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий ашёлар, нодир экспонатларни кўздан кечирар экан, Ўзбекистон халқи мустақиллик йилларида маънавий қадриятларни тиклаш, аждодлар меросини ўрганиш, буюк алломалар ҳурматини жойига қўйиш борасида ўрнак бўлгулик ютуқларга эришганини таъкидлади. Зиёрат сўнгида Рудольф Шустер музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат битиб қолдирди.

Шу билан Словакия раҳбари ташрифининг расмий қисми ниҳоясига етди. 7 март куни юксак мартабали меҳмон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилишни режалаштирган.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Словакия Президенти Рудольф Шустер 7 март куни Самарқандга келди. Юксак мартабали меҳмон шаҳарнинг тарихий-меъморий ва маданий обидаларини зиёрат қилди. Истиқлол йилларида бунёд этилиб, Самарқанд ҳуснига кўрк бағишлаётган янги иншоотлар ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўздан кечирди.

Словакия раҳбари айниқса Регистон мажмуидан катта таассурот олганини таъкидлади. Р.Шустер миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини катта қизиқиш билан кўздан кечирди, Сиёб бозорида саҳоватли заминимизда етиштирилган ноз-неъматлар ва Самарқанднинг машҳур нонларидан татиб кўрди.

Куннинг иккинчи ярмида олий мартабали меҳмон «очиқ осмон остидаги музей» дея таърифланадиган яна бир қадимий шаҳримиз — Бухорога ташриф буюрди. Словакия раҳбари бу ердаги маданий ёдгорликлар, кўҳна обидалар билан танишди. Шаҳар зиёрати асносида меҳмон шарафига маҳаллий санъаткорлар ижросида миллий куй ва қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди.

Шу билан Словакия Президенти Рудольф Шустернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Таъкидламоқ жоизки, ўтган мулоқотлар жуда самарали бўлди. Эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтаришига шубҳа йўқ. Бунга Р.Шустернинг қуйидаги сўзларидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин: — Ўзбекистонга мамлакатларимизнинг ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун келган эдим. Ташриф самарали бўлди. Ислом Каримов билан ҳамкорлигимизнинг турли жиҳатларини муҳокама қилдик. Ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги муносабатларнинг истиқболи порлоқдир.

(ЎзА)

Миллатимиз тарихида аёлни асраб-авайлаш, унга меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатиш, ҳимоялаш ҳар бир инсон учун ҳамиша шарафли иш, мардлик ва жасорат намунаси бўлиб келган.

Аёлларимизнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишда, буюк келажак бунёдкори ва ҳимоячиси бўлмиш ҳар томонлама соғлому баркамол авлодни тарбиялашда ва шу асосда ҳар бир оила, маҳалла, бутун юртимизда осойишталик, қут-барака ҳукмрон бўлиши йўлида кўрсатаётган хизматларини Ватанимиз юксак қадрлайди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

ЭЗГУЛИК ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Тантанада сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, маданият, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт каби соҳаларда аёлларимизнинг ўрни ва мавқеи ортиб бораётганини таъкидлади.

Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаол иштирок этиши учун барча имкониятлар муҳайё.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазкур мукофотга сазовор бўлган иқтидорли қизлар тантанали равишда тақдирланди, уларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилди.

Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Зулфия мукофотининг бу йилги совриндорлари — Фазу Шержанова, Екатерина Аблаева сўзга чиқиб, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини намоён этиш учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

Назокат Усмонова,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

фия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлансин (тақдирланганлар рўйхати илова қилинади).

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8-Март хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантанада совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. "Ўзтелерадио" компанияси (А.Кўчимов) ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (М.Ҳазраткулов) Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ***И. КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри,
2003 йил 3 март.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 мартдаги қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Шержанова Фазу Кеунимжаевна — *Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги касб-ҳунар коллежининг 3-курс талабаси*

Акбаралиева Зиёда Маннобжоновна — *Андижон вилояти Асака шаҳридаги педагогика коллежининг 2-курс талабаси*

Авезова Дилдора Баходуровна — *Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 17-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси*

Мухтарова Гулрўҳ Асатиллаевна — *Жиззах давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейининг 3-курс талабаси*

Очилова Гулрух Нурхоновна — *Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 22-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси*

Уринова Ҳулкар Шокировна — *Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 8-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси*

Закирова Гулчеҳра Бахрамовна — *Наманган педагогика билим юрти ҳузуридаги "Ниҳол" тўгараги раҳбари*

Ашурова Зулхумор Шодиевна — *Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 35-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси*

Дониёрова Гулрўҳ Бахтиёровна — *Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги "Гулрўҳ" зардўзлик корхонаси раҳбари*

Шаймарданова Азиза Раимжановна — *Термиз давлат университети ҳузуридаги академик лицейнинг 1-курс талабаси*

Аблаева Екатерина Сергеевна — *Тошкент давлат аграр университети магистратурасининг 1-курс талабаси*

Мўминова Севинчхон Толибовна — *"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси Фарғона вилояти бўлимининг хонандаси*

Абдуллаева Муножот Суҳбатовна — *Хоразм вилояти Шовот туманидаги 21-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси*

Рахмонбекова Малика Абдумаликовна — *Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 1-курс талабаси*

ЗУККО, ДОНО, ТАШАББУСКОР ҚИЗЛАР

Тўртинчи йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан юртимизнинг энг истеъдодли қизларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти берилмоқда. Баҳорнинг илк байрами арафасида ҳар йили уларга шундай юксак мукофот топширилади.

Бу йил ҳам анъанага мувофиқ Зулфия мукофоти совриндори бўлган ўқувчи қизлар 6 март куни Халқ таълими вазири Рисбой Жўраев қабулида бўлдилар. Гулрўҳ Мухторова Жиззах шаҳридаги иқтидорли болалар лицейининг 11-синфида, Гулрўҳ Очилова Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 22-мактабнинг 11-синфида , Муножот Абдуллаева Хоразм вилояти Шовот туманидаги 21-мактабнинг 10-синфида, Дилдора Авезова Бухоро шаҳридаги 17-мактабнинг 10-синфида, Ҳулкар Ўринова Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг 9-синфида, Зулхумор Ашурова Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 35-мактабнинг 9-синфида таҳсил олишади.

Халқ таълими вазири ўз истеъдодларини мактаб партасида ўтирибоқ намоён қилган қизларни Давлат мукофотига муносиб кўрилганликлари, 8 март — халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этди. Ўтган тўрт йил мобайнида Зулфия мукофотига 56 нафар ёш истеъдод соҳибалари лойиқ кўрилган бўлса, шулардан 33 нафари мактаб ўқувчилари эканлиги, юртимиз истеъдодларга бойлигини таъкидлади. 6,5 миллион нуфузга эга Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг тенг ярими қизлар бўлса, сизлар шулар ичидан ушбу мукофотга муносиб деб танланибсизларми, буни оқлашга, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшишга муносиб келажакларингни қуришга интилинглар, деб тилак билдирди вазир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган ўқувчи-қизларга халқ таълими вазирлигининг эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг мукофот соҳибаларидан бири, навоийлик Ҳулкар Ўриновани қисқа суҳбатга чорладик.

— **Мукофот муборак бўлсин!**

— Раҳмат.

— **Мана, ўқишга имтиҳонсиз кирадиган бўлдингиз, мактабни тугатгач, қаерда ўқимоқчисиз, ким бўлмоқчисиз?**

— Иқтисодчи бўлмоқчиман. Тошкент давлат иқтисодиёт университетига кириб ўқимоқчиман.

— **Вазир мамлакатимизда таълим жараёнига оид таклифларингни айтинглар деганда, дарслик масаласини тилга олдингиз. Қайси дарсликларни назарда тутган эдингиз?**

— 9-синфнинг барча дарсликларини. Дарслик — ихчам, ўқувчини кўпроқ мустақил ижодий изланишга ундайдиган бўлиши лозим. Вазирликнинг талаби ҳам шу экан.

— **Яна қандай истакларингиз бор?**

— Физика, химия, биология дарсларида кўргазмали қуроллар бўлишини, лаборатория машғулотлари барча мактабларда бекаму-кўст ўтказилишини, фан кабинетлари ўқувчилар учун ишлашини хоҳлайман. Бунинг аҳамияти катта. Уларни ишлатиш, маҳаллий шароитдан келиб чиқиб жиҳозлаш ўқитувчиларимизнинг, ўзимизнинг қўлимизда-ку. Бу масалани юқоридан келиб ҳал қилиб беришларини кутиб ўтириш замони ўтганини Халқ таълими вазири ҳам таъкидлади.

— **Баҳорни яхши кўрасизми?**

— Албатта.

— **Нимасини яхши кўрасиз?**

— Гўзаллигини.

— **Шундай гўзал фаслнинг гўзал айёми арафасида гўзал шоирамиз номидаги мукофот соҳибаси бўлганлигингиз ҳамда 8 март байрами билан яна бир бор қутлаймиз. Орзуларингизга эришинг!**

Ҳусан НИШОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Суратда: Зулфия номидаги Давлат мукофотига бу йил муносиб кўрилган ўқувчи қизларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Jurnalning ushbu sonida birinchi marotaba doktorlik va nomzodlik dissertatsiyalarining himoyalari haqidagi axborotlar berilgan.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИР

Тадбир

Қўқон шаҳридаги 12-меҳрибонлик уйида 140 нафар болалар тарбияланади. Уларнинг 75 нафари шаҳардаги 5-, қолганлари 18-мактабда таълим олишади.

Яқинда 5-мактаб маъмурияти томонидан меҳрибонлик уйида "Оила, маҳалла, мактаб, кутубхона ҳамкорлиги" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда 5-мактаб ва меҳрибонлик уйи ўқувчилари томонидан ташкил этилган концерт дастури, "5 х 5" билимдонлар ва зукколар заковат ўйини, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган ғазалхонлик кечаси, шаҳар ҳалқ таълими бўлими услубчиси Р.Обиджонова томонидан ташкил этилган "Китоблар кўргазмаси" йиғилганларга маънавий озуқа берди.

Меҳрибонлик уйи "Наврўз" дастаси раққосаларининг дилрабо рақслари, 5-мактабнинг бадиий-ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг Ватан, истиқлол, дўстлик, ота-она ҳақидаги қўшиқлари барчани ҳушнуд этди.

Тадбир ниҳоясида меҳрибонлик уйи кутубхонасига янги бадиий китоблар, болаларга эса совғалар улашилди.

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

САХОВАТ УЛАШИБ...

Байрамлар, яхши кунлар арафасида бева-бечораларга мурувват кўрсатиш, уларни рози қилиш халқимизга хос анъана ҳисобланади. Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши кам таъминланган оилалар, кўп болали оналар ва якка-ёлғиз қарияларга ўзининг инсонпарварлик ёрдамини мунтазам кўрсатиб келмоқда. Ўлкамизга кириб келган баҳор фаслини ҳам ушбу жамият савобли, хайрли иш билан қарши олди.

Куни кеча жамият ташаббуси билан пойтахтимиздаги ногирон ва ақли заиф болаларнинг дилларига қувонч бағишлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги санъат саройида 8 март-халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб "Сен азиз ва муқаддассан аёл" хайрия концерти уюштирилди. Ундан тушган маблағ мана шундай қалби кемтик болажонларнинг ижтимоий аҳволларини яхшилашга сарфланади. Тадбирда Сирғали туманида яшовчи икки нафар ногиронларга махсус аравачалари берилди.

Шунингдек, 1-2-сонли ақли заиф болалар мурувват уйларига ҳам совға-саломлар улашилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА

КУН ТАРТИБИДА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Seminar

Қорақалпоғистонда вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг маънавий-маърифий масалалар бўйича масъуллари учун "Ўқувчиларни замонавий усуллар асосида хорижий тилларга ўргатишда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўрни" мавзуида икки кунлик семинар ташкил этилди. Унда иштирокчилар дастлаб Нукус шаҳридаги 1-мактаб, Қорақалпоғистон ўлкашунослик музейи ҳамда ўқувчилар саройи билан танишдилар.

Семинарнинг иккинчи кунида эса "Прогресс" таълим ва ривожлантириш маркази фаолияти ўрганилди. Унда Ўзбекистон республикаси Халқ таълим вазирининг ўринбосари У.Мусаев, Қорақалпоғистон республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Эрниёзов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б.Султоновлар қатнашди.

Мазкур марказ 1992 йил ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда таркибида бизнес мактаби, бошланғич синф гимназияси, тил ўргатиш маркази ҳамда "Шиғис" ёшлар клуби мавжуд бўлиб, улар хорижий ва миллий маданиятимиз асосида эркин фикрли, иродали ёшларни тарбиялаш, жамиятда улар ролини ошириш мақсадида, иш юритмоқдалар.

Ғофур ЖАБИЕВ,
"Маърифат" мухбири

ИҚБОЛ ИСТАГАН ҚИЗЛАР

Қўшработ туманидаги тоғли Қоратош қишлоғида жойлашган 55-ўрта мактабда "Иқбол" қизлар беллашуви бўлиб ўтди. Энг аълочи, энг зукко ва ҳозиржавоб қизлар бу беллашувда иштирок этишга ўзларини ҳақли деб билишди.

Мумтоз адабиётимизнинг дилбар вакилларидан бўлган Моҳларойим, Зебунисо, Увайсий ҳаёти ва ижодига бағишлаб тайёрланган альбомлар, уларнинг ғазалларидан ўқилган намуналар беллашув иштирокчиларининг маънавий дунёсини яна бир карра кўз-кўз қилди. Улар бугунги кунда шеърият мухлисларини ўз шеърлари билан шайдо қилаётган Зулфия Мўминова, Зебо Мирзаева, Хосият Бобомуродова, Хосият Рустамова, Гуландон Тоғаева каби ижод аҳлининг ашъорларидан ҳам намуналар айтиб, йиғилганларнинг дилларини шодликка кўмдилар.

Ғолиблар — Гулноза Жаҳонова, Гулзода Қурбонова, Феруза Мизраповаларга мактаб дирекцияси ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

И.ГАЗНАЕВ

ҲАМ ЎҚИШДИ, ҲАМ УҚИШДИ

Tanlov

Ушбу танловда аёллик латофати ҳам, касбий маҳорат ҳам яна бир бор намойиш қилинди.

Танловлар қайси соҳада, қайси йўналишда бўлмасин ёки қай тарзда ўтказилмасин, барибир унга анчагина меҳнат сарфлаб, тайёргарлик кўрилади. Иштирок этмоқчи бўлганлар олдиндан танлов талаблари ҳақида тушунчага эга бўлишиб, шунга кўра мақсад сари интиладилар. Лекин, Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган танлов бу қоидага бўйсунмаган ҳолда ўтди. Чунки, турли мактабгача таълим муассасаларидан келиб бир ой мобайнида малака оширган йигирма нафар тарбиячилар танлов бўлишини атиги бир кунгина олдин билишди. Аслида бундай бўлди: институтнинг "Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим" кафедраси катта ўқитувчиси Зуҳра Файзиева малака оширишга келганларни "Қизлар, бизга берилган озгина вақтни шундайлигича ҳам ўтказиб юборишимиз мумкин. Келинглар, барча янгиликларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан масъулият билан ўрганамиз. Курсимиз охирида ўрганганларингизни "сюрприз" сифатида баҳолаймиз." Хуллас, шу ният ва байрам баҳона МТМ тарбиячиларининг ҳам касбий, ҳам аёллик маҳоратларини синаш мақсадида "10Х10" — "Ўнта бўлса ҳам ўрни бошқа" кўрик-танлови ўтказилди. Яъни 20 нафар тарбиячилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда, ўз рақамлари бўйича беллашдилар. Иштрокчиларни баҳолаш ҳам боғча муҳитига мос ҳолда бўлди. Чунки, ҳар икки қатнашчининг тўғри жавоби "рағбат", нотўғри жавоби эса "жарима" билан баҳолаб борилди. Тарбиячилар ўзларининг чекига тушган "топган-топалоқ", "эркаламалар айтиш", "алла айтинг!", "пантамимо" математик ўйинини ўйнаш, "педагогик тезкор саволлар", "болалар тилида она мадҳини куйланг" ҳамда ҳадислардан, халқ мақолларидан, топишмоқлар ва эртаклар айтиш каби шартлар бўйича куч синашишди. Айниқса, 2 дақиқа ичида янги эртак тўқиш бўйича ҳар бир тарбиячи устаси фаранг эканлигини кўрсатди. Хусусан, С. Раҳимов туманидаги 168-МТМ тарбиячиси Марҳабо Одилова қуёнча ролини ва Шайхонтоҳур туманидаги Саида Ҳамидованинг ғоз ролини образли ва ишонарли тарзда ижро қилиб берганлиги ҳаммада катта таассурот уйғотди. Она ҳақида энг кўп шеър билиш борасида эса С. Раҳимов туманининг 172-МТМ вакиласи Ақида Ибрагимовага тенг келадигани топилмади. Умуман, ҳар бир боғча опа шу пайтгача тўплаган тажрибалари ва бир ойда баҳоли-қудрат ўрганган янгиликларини жонли ва қизиқарли намойиш қилди. Кўрик-танлов охирида ҳар бир гуруҳ ўз жамоасига тегишли "рағбатларни" ва "жарималарни" санашганида иккала гуруҳда ҳам 8 тадан "рағбат" ва 3 тадан "жарима" борлиги аниқланди.

Биламизки, танловлар совринсиз ўтмайди. Бугунги кўрикда эса совғалар ҳам тарбиячиларнинг ўзлари томонидан тайёрланди. Яъни ўқув курси мобайнида ясалган ўйинчоқлар ғолибларга совға сифатида топширилди.

— Бу ўйинчоқлар бизлар учун ҳар қандай қимматбаҳо матоҳдан ҳам азиз туради. Чунки, буларни боғчамизга олиб бориб, намуна қиламиз ва шунга ўхшаганларини яна ясаймиз. Ҳаммадан ҳам болаларимиз хурсанд бўладиган бўлишди, — дейди 169-МТМ тарбиячиси Нодира Исаева.

Танлов якунида ТШПҚТМОИ ректори Ҳамидулла Йўлдошев малака оширувчилар ўртасида бундай жонли танловларнинг ўтказилиши уларнинг аҳиллигига, бир-бирларининг тажрибаларини ўрганишига, доимий ҳакорлик ўрнатишга асос бўлишини таъкидлаб, тарбиячиларга ўқув курсларини тугатганлиги ҳақидаги маълумотнома ва сертификатларни топширди.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma`rifat" мухбири



Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси "ОАК Бюллетени" журналининг 2003 йил 1-сони чоп этилди.

ОАК БЮЛЛЕТЕНИ

Олий аттестация комиссиясида 2003 йил январдан 24 февралгача фан соҳалари бўйича эксперт кенгашларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ушбу мажлисларда республикамизда фаолият кўрсатаётган 116 та ихтисослашган кенгашларнинг 2002 йил ва охирги уч йиллик натижалари бўйича ҳисоботлари эшитилди. Ихтисослашган кенгашларнинг ҳисоботлари юзасидан таҳлилий материаллар ва таклифлар ОАК Бюллетенининг 1-сонида чоп этилган.

Юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлашда демократия ва ошкораликни кучайтириш мақсадида диссертациялар ҳимоялари тўғрисида эълонлар беришга қарор қилинган ва журналнинг ушбу сонида биринчи маротаба докторлик ва номзодлик диссертацияларининг ҳимоялари ҳақидаги ахборотлар берилган.

Ихтисослашган кенгашлар томонидан ОАК Низомлари талабларининг мукаммал бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш мақсадида ОАКда процедура масалалари бўйича комиссия ташкил қилинди. Ушбу комиссиянинг қарорларига асосан ОАК Низомлари талабларига риоя қилинмай ОАКга юборилган аттестация ишларига рад жавоби берилмоқда. Журналнинг ушбу сонида ана шулар ҳақида ҳам маълум қилинган.

Юлдуз УСМОНОВА:

"СОҒИНГАНМАН МЕН ҲАМ"

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, эркак ўттиздан ошиб, қирққа бораётганда қилич бўлса, аёллар худди шу ёшда нима бўлади? Янаям тўғрироғи, ким бўла олади улар? Чамамда, ўттиз билан қирқ ёшнинг ўртасидаги аёл оламнинг чин маънодаги энг журъаткор меҳрдошига айланадилар. Тўкис оила қўрғонининг, меҳрталаб касби-корнинг, жўжабирдек ўғил-қизларнинг ҳамда қалби лопиллаб, қалқибгина турадиган ҳақиқий муҳаббат ва нафратнинг қалқони бўлиб етиладилар. Шунинг учун ҳам қирқ ёшли онанинг меҳри қирқ ботмон тошни синдириб ўтади, дейилади. Зеро, шу ёшдан сўнг аёлнинг ҳаётига, шуурига енгилмаслик, алданмаслик ҳамда сўнмаслик бостириб киради.

Севимли хонандамиз, Ўзбекистон халқ артисти Юлдузхон Усмонова билан бўлган суҳбат давомида мен бунга яна бир марта амин бўлдим.

— Юлдуз опа, Ватан остонадан, ҳаёт эса болаликдан бошланишини биласиз. Шунга кўра мухлисларингиз болалигингизнинг қаерда ва қандай ўтгани билан қизиқишади. Мактабда ўқиб юрган пайтларингизда ҳам балки ҳозиргидек чўрткесар, шўхшаддод бўлгандирсиз. Эҳтимол, бунинг тескариси бўлгандир. Ҳарҳолда тахминимча, бошқа тенгқурларингиздан алоҳида ажралиб турган бўлгансизов?

— Болалигимда қорачадан келган, жиккаккина қизча бўлганман. Оилада саккизта фарзанд эдик. Мен олтинчисиман. Ва сир эмаски, энг шўхроғи ҳам ўзим бўлганман. Буни мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Тангри табиатимни шунақа қилиб яратган. Демак, буни яшириш ёки бўрттириш мен учун ҳеч қандай наф келтирмайди. Отам, онам Марғилон пиллачилик фабрикасида ишлашган. Орамизда бизга суянч бўладиган, зарур пайтда қўллаб-қувватлайдиган, бошимизни силайдиган, ўқимишли, зиёли, ҳеч бўлмаганда, кўпроқ пул топиб, камкўстимизни билдирмайдиган киши бўлмаган. Ҳаётнинг барча аччиқ-чучук неъматларини ўзимиз баҳам кўрганмиз. Ҳозир ўйлаб-ўйлаб оиламиздаги вазиятнинг худди шундай бўлганлигидан қувониб кетаман. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз тўғрисўз, дилпарвар бўлиб тарбияланганмиз.

Ота-онам эрталабдан ишга кетарди. Оилани боқиш сўзсиз уларнинг зиммасида эди. Биз китоб-дафтарларни қучоқлаб, мактабга жўнардик. Балки ўша пайтларда мен тенгқурларимга нисбатан сипороқ ва соддароқ кийингандирман, ҳар ҳолда мактаб ва кўчадаги муносабатдан кўпинча кўнглимнинг зада бўлганлиги ҳозир ҳам қалбимга тез-тез оғриқ бериб туради. Бироқ, уйимиздаги муҳит бошқаларникига қараганда барибир замонавийроқ эди. Ҳаммамиз ҳурмат-эътиборни, тиллашишни билардик. Бошқа оилалардан фарқимиз шу бўлса керак, менимча. Барчамиз эркинликни, очиқликни, меҳр ҳамда шафқатни хуш кўрганмиз. Мен битта эмас, бир неча мактабда ўқиганман. Мактабга боришда, келишда, дарс жараёнию танаффусларда кўпроқ ўғил болалар билан бирга ўйнардим. Дўстларим асосан улар эди, агарда уларни дўст дейиш мумкин бўлса? Болалик қилиб уришсам ҳам, тортишсам ҳам фақат ўғил болалар билан уришиб-тортишардим. Ҳозирги ўжарлигим, ишонувчанлигим, соддалигим ўша пайтларда минг чандон ортиқ бўлган бугунгисидан. Ҳаракатим, интилишим юқори бўлса-да, мактабдаги ҳамма нарса, ҳар бир янгилик унчалик эътиборимни тортмасди. Баъзан ўта қизиқувчанлигим туфайли бир дарс жараёнида минг хил нарсани ўйлаб ўтирардим. Хуллас, мактаб, синфдош шунақа бўлар экан-да, деб борибкелиб юраверганман. Жиним суймаган нарсаларга, албатта, бефарқ қарардим. Шунинг учун бўлса керак, биринчи бор "2" баҳо олганимда, "мана, ўқисам дуруст бўларканман, "аъло" баҳо олибман" деб роса қувонганман. "2" баҳонинг энг паст ва қонқарсиз эканлигини қайдан билай? Ҳаттоки синфдошларимдан, опа-акаларимдан бирортаси ҳам шу ҳолатга тўғри муносабат билдирмаган бўлса керакда.

Mehmonxona

— Биринчи устозингизни мактабни битирганингиздан сўнг охирги марта қачон кўрган эдингиз? Умуман, журналистлар ёки бошқа кишилар сўрамаган пайтларда ҳам табиий ҳолатда ўқитувчиларингизни, синфдошларингизни эслаб турасизми?

— Биринчи устозларимдан Муборакхон Мамажонованни яхши эслайман. У киши меҳридарё ўқитувчи бўлган. Аммо охирги марта қачон учрашганимизни аниқ эслай олмайман. Соғинганман мен ҳам. Аммо, вақт қурғурни кўряпсиз-ку. Муборакхон опа бизга фақат бир йил дарс берган бўлса-да, унинг сабоғи мени бир умрлик яхшиликларга ундаганини айтмасам бўлмас. Опадан миннатдорман. Туз-насиба тортган куни кўришиш, кўнгиллашиш ҳам насиб қилар-да, бизга. Бошқа ўқитувчиларимнинг баъзи бирлари оламдан ўтиб кетган. Жойлари жаннатда бўлсин уларнинг. Синфдошларим тўғрисида ҳам бундан ортиқча гап айтолмайман. Кўришмай қўйганимизга анча бўлган. Ўзингиз ҳам биласиз, иш кўп, вақт кам. Ижодга худди нариги дунёга кўтариб кетадигандай ёпишганман. Менимча бу ҳам бир эзгулик, ўқитувчиларимнинг меҳнатларининг меваси, бошқача яшай олмасам, хоҳлаган пайтда бориб кўролмасам, нима қилай? Пешонага ёзилгани шу-да, энди. Тўғриси, синфдошларимнинг ҳам кўпини ёддан чиқариб юборганман. Сабаб, фақат битта мактабда ўқиганим йўқ.

— Бир сўз билан айтганда, санъатдаги ҳаётингиздан мамнун эканлигингизни англаса бўлади. Аммо, асабларингиз бироз таранглашгандек кўринади кишига. Агарда хафа бўлмасангиз буни "юлдузлик касали" десам тўғри бўлармиди, эҳтимол. Ҳарҳолда анча иш қилганлигингизни, толиқиб, асабийлашиб қолганлигингизни сезиб турибман.

— Санъаткорлигимдан мамнунман, албатта, Асабларим масаласига келсак, жуссам кичик бўлгани билан зиммамдаги юк ниҳоятда залворли. Баъзан шу юкнинг остида чумолидек эзилиб кетмаганимга ҳайрон қоламан ўзим. Таъбир жоиз бўлса, "юлдузлик касали" ёки "юлдузликка интилиш" ҳамда унинг зарбаларига сабр-бардош билан чидаш ҳар қандай кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Бу давр ва даврадаги гап-сўзлар машҳурликка даъвогар ҳар қандай аёлу эркакнинг тўқимини чиқариб ташлайди бирпасда. Бунга чидаш ҳеч қачон ва ҳеч кимга осон бўлмаган. Аммо, қачонгача сабр-матонат билан яшашимни ўзим ҳам билмайман.

— Ўзбек бўлганлигимиз учун ҳам барчамиз уй-рўзғор ташвишларига, болажонлик фазилатларига қоришиб яшаймиз. Оила, фарзанд, уйжой деганда дунёнинг барча лаш-лушларидан кечиб юборишимиз турган гап. Бу борада ўзимизга хос армонларимиз ҳам, орзуларимиз ҳам бисёр. Шахсан сиз ўзбекнинг машҳур бир аёли сифатида, она сифатида нималардан армон қиласиз?

— Қизим Нилуфарнинг борлиги мен учун тенгсиз бахт. Шукрки, ота-онам ва бошқа яқинларим ҳам соғомон. Оламнинг бир санъаткорга юклаган барча неъматларини кўтариб юрибман. Қолгани — ҳаммаси ўткинчи. Шундан мамнунманки, Оллоҳ менга ўткинчи нарсалар билан ўчакишишни раво кўрмаган экан. Мана шу фазилатни энг катта ютуғим деб биламан.

Биз бир ота-онадан саккиз фарзандмиз. Ҳаммамиз уйли-жойлимиз. Зерикишга ўрин йўқ.

— Қизингиз Нилуфарнинг санъатингизга, ҳаётингизга нисбатан муносабати қандай? Унинг тарбияси билан ҳозир ким шуғулланади. Келажакда қандай касбни танлаши мумкин?

— Қизимнинг тарбияси билан ўзим шуғулланаман. Бувалари, бувилари, тоғахолалари тез-тез хабарлашиб туради. Келажагига ишонаман ва ундан кўп нарсаларни умид қилаяпман. Насиб бўлса, қизим мен истагандек инсон бўлиб етишади. Санъатимни яхши кўради, менинг қадримга етади. Келажакда қандай касбни танлашидан қатъи назар, унинг доимо Юлдуз Усмонованинг қизи сингари яшашини ният қилганман.

— Голландияликлар билан қандай тил топишгансиз. Илк муносабатларингиз қачон амалга ошган эди?

— Гастролларга борганимда улар менинг қўшиқларимни ёқтириб қолишган. Ҳозир Нидерландия қироличаси Биатрикс ҳазрати олияларининг шахсан ўзлари мен билан яхши муносабатда. У киши билан илк танишувимизга ҳам санъат сабабчи бўлган. Дунёнинг кўпгина давлатларидан ташриф буюрган машҳур санъаткорлар қўшиқ танловида қатнашаётганимда Биатрикс ҳазрати олияларининг ўзлари менга "Сиз албатта танлов финалигача етиб борасиз" деган эди. Буни қарангки, худди у киши айтгандек бўлди. Финалга чиқдим. Шу-шу у киши билан, шунингдек, бошқа санъатшунос, санъаткорлар билан келишиб қолганмиз. Мана, яқинда ҳам бу мамлакатда уч ой концерт бериб қайтдим.

— У ерда ҳам худди ўзимиздагидек концерт берасизми ёки бунинг йўл-йўриқлари бошқачами?

— Тошкентда қандай қўшиқ айтсам, Голландияда ҳам шундай ижро этаман. Баъзан чолғучилар ўзгариши мумкин.

— "Маърифат" муштарийлари бўлган муаллималаримизга байрам тилакларингиз...

— Муаллималаримизнинг юраклари ёнсин! Унинг тафти ўқувчиларга ҳам, бошқаларга ҳам етади. Доимо соғ-саломат бўлишсин. Баҳор кайфияти, байрам кайфияти уларни тарк этмасин.

— Самимий суҳбат учун ташаккур! Сизни ҳам байрамингиз билан мухлисларингиз номидан қутлаймиз.

Нормурод МУСОМОВ суҳбатлашди.

Keyingi paytlarda darslarda fan testlaridan tashqari boshqotirmalardan ham foydalanish yangilik sifatida e'tirof etilayapti

"НОН ҲИДИНИ ОНАМДАН ОЛГАНМИ?"

Онадек буюк зотнинг қадрини ундан йироқда бўлсанг, кўпроқ ҳис этасан. Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўқиётган талабалар турли вилоятлардан келиб таҳсил олади. Уларнинг ўз оналари ҳақидаги таърифида соғинч туйғуси уфуриб туради.

Асила Бобомуродова. Шаҳрисабз тумани.

— Онамни жуда кўргим келади. Юрагимдаги исмсиз дардларни фақат угина тинглаб, малҳам қўйиши мумкин. Орзуларим, ҳасратларимни йиғлаб, кулиб айтганимда фақат онаизорим тинглайди. Онажон, ҳаётда бошимизни сиздек ҳеч ким силай олмас экан.

Адҳам Ҳолмуродов. Ғузор тумани.

— Мен она зотини осмоннинг азалий ва абадий танҳо маликаси тўлин ойга қиёслагим келади. Уларнинг меҳр-муҳаббати қуёш нури каби туганмас.

Дилноза Сатторова. Бухоро вилояти.

— Назаримда, дунёдаги энг бебаҳо сўз она сўзидир. Ҳар бир одам учун онадан буюкроқ инсон бўлмаса керак. Тўрт йиллик айриликда шунга амин бўлдимки, дунёдаги ҳеч бир нарса она меҳрига тенглаша олмас экан. Онажон, юзингиздаги битта ажин, бошингиздаги бир тола оқ сочингиз учун бутун умримни бахшида этсам ҳам оз.

Холбек Хидиров. Сирдарё вилояти.

— Онам айтади: "Она учун бола ҳамиша бола". Улғайиб, оилалик бўлганида ҳам, у фарзанди учун қайгуради. Она, она экан. Унга бошқа сифат керак эмас.

Шерзод Матниёзов. Хоразм вилояти.

— Ойнинг ўзи ёғду сочмас

Dil izhori

экан, қуёшдан нур оларкан. Бу дунёда офтоб борлиги учун ҳам ой ёғду сочиб тураркан. Онам ҳам менга мисоли қуёш. У менинг ягона раҳнамоим, олдида қарзларим кўп...

Учқун Добилов. Сурхондарё вилояти.

— Она бир сўз, аммо замирида минг маъно мужассам.

Фазлиддин Абилов. Қашқадарё вилояти.

— Мени дунёга келтирган онамга қай тариқа миннатдорчилик билдирай? Ҳар ким онаси ҳақида ўйлар экан, юракнинг туб-тубидан тил билан айтиб бўлмайдиган ҳис-туйғулар жунбушга келади. Ана шу эмасмикан, онага бўлган миннатдорчиликнинг нақадар буюклиги.

Саид Абдулазиз Юсупов. Навоий вилояти.

— Дунёда энг тотли ҳид тандирдан узилган нонинг исидир. Ҳар сафар уйга кириб борсам, "Кўзим йўл тешдику болам" — дея онам пешвоз чиқиб мени бағрига босганида муаттар ис димоғимга урилади. Қизиқ, онамдан нонинг ҳиди келармикан, ёки нондан Онамнинг? Она меҳрини худойим нимадан яратди экан? Бунчалар тошқин, жўшқин бўлмаса... Онажон, мунисим аллангизни соғиндим.

Нилуфар Эргашева. Қоракўл тумани.

— Кўз олдимда онамнинг мунгли кўзлари, ажин қоплаган юзи, умуман ҳаёт ташвишлари таъсирида кичрайиб бораётган жуссаси туради. У билан хаёлан суҳбат қураман. Ҳаёт инсонни юксак чўққилар сари чорлайверар экан. Она бу чўққиларни забт этишда сенга мададкор бўлиб турар экан.

Акмал Худойберганов. Қорақалпоғистон республикаси.

— Меҳр тўла нигоҳингизни иссиққина бағрингизни болалигимдан қолган қиёссиз исингизни ҳеч қаердан тополмайман. Онажон қадоқ қўлларингиз бирла юзимни сийпалашларингизни топмадим.

Шерзод АҲМАТОВ ёзиб олди.

БИЗ ВАТАН МАДҲИНИ КУЙЛАЙМИЗ БАЛАНД

Bir soatlik dars

Умумий ўрта таълим тизимида "Одобнома" (1-4 синф), "Ватан туйғуси" (5-6), "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" (7-9) дарсликлари моҳиятан миллий истиқлол ғояларини ёшларимиз онгига сингдиришга хизмат қилади. Ушбу фанларни ўқитиш жараёнида дарсларнинг семинар-мушоира, мулоқот, баҳс-мунозара услублари, учрашув, ўйин, саҳна, ақлий ҳужум, дебат, композиция усулларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга, шахсий фикр, мулоҳазаларини эркин ифодалашни таъминлашга эришиш, бунда халқ педагогикасидан унумли фойдаланиб бориш зарурдир. Бундай устувор вазифаларни бажариш ўқитувчидан чуқур изланишни, ижодкорликни, методик маҳоратини илмий тарзда ошириб боришни, ўз иш режасига янгиликларни киритиб боришни талаб этади.

Биз "Йил ўқитувчиси — 2002" республика кўрик-танлови иштирокчиси, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 12-мактабнинг "Одобнома" фани ўқитувчиси Марҳабо Назаровaнинг пойтахтимиздаги 110-мактабнинг 4-"Б" синфида "Одобнома" фанидан ўтган бир соатлик дарсини кузатар эканмиз, унинг машғулотга қатор янгиликлар киритилганининг гувоҳи бўлдик. У ўғил-қизлар билан саломлашиб, йўқлама қилгач, ўқувчиларга бир сидра саволлар "ёғдирди":

1991 йилда қандай воқеа содир бўлди?

1991-1992 йиллардаги қайси саналарни яхши эслайсиз?

2003 йил — қандай йил, деб эълон қилинди?

2001 йил-чи? 2002 йил-чи? Бу билан ўқувчиларни дарснинг фаол иштирокчига айлантира олди. Фаоллашиш суръатини ушлаб туриш мақсадида ўғил-қизларга ҳарфларга доир мақоллар айтиш топшириғи берилди. Улар бу вазифани ҳам топқирлик билан уддалашди:

"Одоб — олтиндан қиммат".

"Дўстсиз бошинг — тузсиз ошинг".

"Одобли бола — элга манзур".

"Булбул чаманин севар, одам Ватанин".

Мақоллардан ОДОБ сўзи ҳосил қилиниб, дарс мулоқот усулида давом эттирилди. Қишда табиатда қандай ҳодисалар содир бўлади? Кузатганмисиз, Сизларга дарахтлар хаёл суриб тургандай туюлмаяптими?.. Ўқитувчи ўқувчиларни толиқтириб қўймаслик мақсадида улар учун дам олиш бекати жорий қилди — биргаликда "Ўзбекистон" қўшиғи ижро этилди.

Янги мавзу: Ватан ва Ватан туйғуси.

Муаллима янги мавзуни ҳам ўзига хос тарзда бошлади.

Дастлаб у дарсни "Кўнгил мулкига саёҳат" деб номлаб, ўқувчиларни икки гуруҳга ажратди. Сўнгра ҳар бир ўқувчининг кўнгил мулкига қўл солди. Ватан ҳақида яна қандай қўшиқларни биласиз? Ватан нима? Дунёда нима ягона? Ўқувчилар билганларини айтиб беришди.

Ватан! Ватан туйғуси! Ватан муҳаббати! Нимадир булар? Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Чунончи, киши туғилиб ўсган уй, маҳалла ёки қишлоқ унинг Ватани саналади. Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, ўрин, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатганлар. Муаллима ана шу тарзда ўғил-қизларга тушунчалар бериш жараёнида Гавҳар Ибодуллаеванинг "Мен онаман, Ватан тимсоли" сарлавҳали шеърини майин овозда таъсирли қилиб ўқиди:

Мен — Онаман,
Ватан тимсоли!
Ватанни таърифлай
билмайман,
Унинг суратлари
менинг кўзимда.
Сиз Ватанни кўрмоқ
бўлсангиз,
Майли кўзларимни
ола қолингиз!
Мен Ватанни қиёслай
билмайман,
Унга тенг бир матоҳ —
менинг жонимдир.
Бир томирда титраб
турган жонимни олинг!
Мен Ватанни кўрсата
билмайман —
Менинг кўксимда,
қовурғам остида
бир япроққина —
Типирчилаб турган
юрагим...

Дарҳақиқат, Ватан ва Она тушунчаларини бир-биридан ажратиш мушкул ҳол. Чунки авлод-аждодларимиз она юртни севиш бобида инсон учун Ватан тушунчаси, туйғуси ҳар нарсадан улуғ, деган эътиқодни мерос қолдирганлар. Улар Ватанни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, зарур бўлганда бу йўлда жонини ҳам фидо қилиш борасида ўлмас сабоқлар бериб кетишган. Бу ўринда муаллима Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди жасоратлари, қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари — "Тўмарис" ва "Широқ" ривоятлари, улардаги Ватан ва ватанпарварлик тушунчаларига атрофлича тўхталиб ўтди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Навоий ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқиди.

Кейинги пайтларда дарсларда фан тестларидан ташқари бошқотирмалардан ҳам фойдаланиш янгилик сифатида эътироф этилаяпти. Сабаби, бошқотирмалар қўлланилганда, боланинг билимларни мустақил эгаллашга иштиёқи кучайиб, эркин фикрлаш малакаси кучаяр экан. Чунончи, ушбу очиқ дарсда ҳам бошқотирмаларга ўрин ажратилди.

1. Ватанни севувчи инсон.

2. Темур давлатининг пойтахти.

3. Ватанимизни қандай хислатли чегарачилар ҳимоя қилади?

4. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон қайси давр қурбони бўлди?

5. Ёшлар яна қандай ҳуқуққа эгалар?

Бошқотирма саволларига ***ватанпарвар, Самарқанд, ботир, қатағон, ҳунарли*** сўзлари топилди ва ҳар бир жумла алоҳида-алоҳида изоҳланиб, ВАТАН сўзи ҳосил қилинди. Ватан тушунчаси улуғланган ҳикматлар келтирилди.

Ватан — у менинг жону
таним,
саждагоҳимдир. У менинг
тўлин ойим,
тинч-омонлигим, иззатим,
шарафим.
Каъбам, қиблам ҳамда
гулистонимдур.
Абдурауф ФИТРАТ.

Туркистон — шонимиз,
туронли унвонимиз,
Ватан — бизим жонимиз,
фидо
ўлсун қонимиз!
Абдулҳамид ЧЎЛПОН.

Дарс якунида муаллима ҳар иккала гуруҳдаги энг фаол ўқувчиларни баҳолади ва "Ватан қолар экан, Ватан абадий" шеърини ифодали ўқиди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан Марҳабонинг очиқ дарси энг яхши дарслардан бири дея тан олинди. Аввало, ўқитувчи ўқувчиларни фаол иштирокчига айлантира олди. Дарсда янгиликлар қўллади, дам олиш бекати жорий қилди, кўплаб шеърларни ёд айтди. Муҳими, у болажонлигини намойиш этди, ўқувчилар қалбидаги Ватанга муҳаббат туйғусини янада ошира олди. Муаллиманинг ўзини тута билиши, нотиқлиги ижобий фазилатлардан бири сифатида эътироф этилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,

Суратда: очиқ дарс жараёнидан лавҳа.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ, олган сурат.

Касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ТТЕСИ профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда мазкур тадбирни ўтказишидан асосий мақсад ўқувчиларнинг танлаган касблари бўйича мустақил меҳнатга тайёргарлик салоҳиятини янада ошириш, улар орасидан иқтидорли-истеъдодли ёшларни аниқлаш, изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбий маҳорати бўйича эришган ҳар бир ютуғи ва муваффақиятини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, умуман ёш авлод ўртасида касб-ҳунар таълимини тарғиб қилишдир.

Дастлаб тадбир иштирокчилари ҳамда меҳмонлар касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан тайёрланган тикувчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишишди. Тантанали тақдимот маросими эса Pretaporte деб номланувчи баҳор ва куз мавсумларига мослаштирилган, ўзбек халқининг миллийлигини акс эттирувчи элементлардан фойдаланилган ҳамда тантанавий, башанг, замонавий либослар мажмуидан иборат бўлган уч бўлимда бўлиб ўтди.

Тантанали мусиқа садолари янграши билан ТТЕСИ маданият саройида махсус тайёрланган подиумга замонавий либосларда коллеж ўқувчилари ва мазкур институт талабалари биринкетин кўтарила бошлашди. Биринчи бўлим бўйича Тошкент политехника, 1-педагогика, Сирғали политехника, Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежлари ва енгил саноат касб-ҳунар лицейи жамоалари ўз либосларини тақдим этишди. Миллий кийим элементларидан фойдаланилган замонавий либосларнинг тақдимотидан иборат иккинчи бўлимда юқорида таъкидланган таълим муассасалари қаторида А.Ҳ-ўжаев номидаги тасвирий ва амалий санъат коллежи, республика рассомчилик коллежи, Тошкент педагогика, Яккасарой енгил саноат, Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежлари, 22-касб-ҳунар мактаби, республика илмий тажриба таълим мажмуаси жамоалари ҳам ўқувчилари томонидан тайёрланган либосларни ҳакамлар ҳайъати ва меҳмонлар эътиборига ҳавола қилишди. Тантанавий, башанг либослар тўплами бўлими эълон қилинганида маданият саройи гулдирос қарсакларга тўлиб кетди. Бу ерда қатнашчилар сафига Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик, Акмал Икромов миллий ҳунармандчилик, Миробод саноат касб-ҳунар коллежлари, 7-бизнес мактаби, 6, 19, 21-касб-ҳунар мактаблари ўқувчиларининг ижод намуналари қўшилди.

Ўқувчи-талабаларнинг ҳар бир чиқишини ТТЕСИ ректори, профессор Ҳ.Алимова раислигида ушбу олийгоҳ енгил саноат факультети декани, республика дизайнерлар уюшмаси раҳбари, доцент Х.Комилова, катта ўқитувчи, халқаро дизайнерлар уюшмаси аъзоси В.Чурсина, "Пфафф-Зингер" савдо уйи етакчи мутахассиси О.Гутова, Ўзбекистон Республикаси тикувчилик саноати ассортимент ва модалар марказининг бадиий раҳбари Д.Хожибоева, Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси етакчи мутахассиси Н.Мирсагатовалардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб бордилар.

— *Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир ЎМКҲТ муассасалари ўқувчилари ўртасида илк бора ташкил этилаяпти,* — дейди шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Рўзимурат Чориев. — *Ҳозирги кунда пойтахтимиздаги мавжуд касб-ҳунар коллежларининг 26 тасида тикувчилик йўналиши бор. "Замонавий либослар" кўрик-танловининг низомига асосан ушбу тадбир икки босқичда ўтказилмоқда. Биринчи саралаш босқичи Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтиб, унда таълим муассасалари учтадан бештагача бўлган ижодий ишлари билан қатнашдилар. Ҳакамлар ҳайъати ўқувчилар томонидан яратилган ижодий ишларни уларнинг оригиналлиги, дизайни, замонавийлиги, миллийлиги, қулайлиги жиҳатидан саралаб борди.*

Дарҳақиқат, биринчи босқичда ҳар бир иштирокчи жамоа ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилган А-4 форматли рангли тасвирдаги, олди ва орқа томон кўринишларда бўлган янги моделнинг эскизини, шунингдек моделнинг ташқи кўринишига тавсиф, унинг лойиҳаси чизмаси, бўлакларининг андозалари, технологик кетма-кетлик картаси, моделнинг моҳиятини ҳам ёзма, ҳам оғзаки равишда ҳимоя қилишди. Иккинчи якуний босқичда эса ЎМКҲТ муассасалари ўқувчиларини ТТЕСИ ўқитувчилари ва талабалари қўллаб-қувватлаб, янги замонавий либосларни кенг оммага тақдим этишда ўзларининг кўмакларини аяшмади.

Нафосат ва гўзаллик байрамига айланиб кетган ушбу тақдимотда иштирок этган меҳмонларни суҳбатга чорладик.

Комила КАРИМОВА, "Ўзбек-енгилсаноат" Давлат акциядорлик компанияси тикувчилик бошқармаси бош мутахассиси:

— Сирасини олганда, тикувчилик касби ҳам ўзига хос санъат ҳисобланади. Ушбу касб эгалари ниҳоятда нозик дидли, бир қатор ажойиб хусусиятлар соҳиби, тикувчилик соҳасида ҳар қандай кашфиётларни яратишга қодир бўлмоқлари зарур. Зеро, уларнинг ҳар биридан касбий маҳорат, юксак масъулият талаб этилади.

Бугун коллеж ўқувчиларининг ижод намуналарини томоша қилиб, ҳурсанд бўлаяпман. Барча либосларда маҳаллий табиий толалардан ишлаб чиқилган матоларнинг фойдаланилганлиги аҳамиятга моликдир.

Жидрунас СЕЙЛЮС, "Пфафф-Зингер" савдо уйининг ижрочи директори:

— Таассуротларим катта. Бу тадбирдан барча бирдек ҳурсанд бўлганлигига аминман. Тикувчилик йўналишлари мавжуд таълим муассасаларига махсус асбоб-ускуналарни етказиб берувчи ташкилотлардан бирининг вакили сифатида бизнинг тикув машиналаримизда тайёрланган моделлар томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъатида қандай фикр қолдирганлиги тўғрисида ўйлаб, мен ҳам қаттиқ ҳаяжонландим.

Аммо, шуни унутмаслик керакки, тикув машинаси, у қанчалик кўп функцияларни бажара олишига қарамай, уни ишлатувчининг муайян фантазияларисиз ҳеч нарса эмас. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугун биз, яъни таъминотчилар саъй-ҳаракатларимизнинг маълум бир натижаларини кўра олдик. Бир сўз билан айтганда, тикувчилик дастгоҳларининг озгинагина фантазия эвазига нималарга қодирлигига ишонч ҳосил қилдик.

Ҳалима АЛИМОВА, ТТЕСИ ректори, кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати раиси, профессор:

— Мана бугун барчамиз катта байрам шоҳиди бўлдик. Ҳеч шубҳа йўқки, коллеж битирувчилари ичидан яқин келажакда бизнинг институтимизга муносиб талабалар келишади. Ўқувчи-ёшларни ижодкорликка чорловчи мазкур тадбирнинг икки босқичда ўтказилиши, ҳар бир босқичга тайёргарлик жараёни, ва ниҳоят, якуний босқичи муҳташам маданият саройимизда юксак даражада бўлиб ўтаётган мана шу тантанали тақдимот, ўйлайманки, қатнашчилар дилида кўп вақтгача сақланиб қолади.

Шу ўринда бир оғиз сўз. Нима сабабдан бу тадбир айнан ТТЕСИда ташкил этилмоқда? Бунга сабаблар кўп. Масалан, институтимизнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ўрнатган ҳамкорлиги натижасида 14 та таълим йўналишлари бўйича стандартлар ишлаб чиқилган. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан 50 дан ортиқ фанлар бўйича маъруза матнлари тайёрланиб, уларнинг электрон версиялари махсус дискетларда ва 100-150 нусхадан институт босмахонасида чоп этилиб, китоб ва қўлланмалар шаклида республикамизнинг 70 дан зиёд касб-ҳунар коллежларига бепул тарқатилди. Бундан ташқари, ЎМКҲТ муассасалари иқтидорли ўқувчиларини қўллаб-қувватлаш ва ўқишга жалб этиш мақсадида 2000 йилдан институт илмий кенгашининг махсус стипендиялари жорий этилиб, ҳар йили 27 нафар ана шундай иқтидорли ўқувчилар моддий рағбатлантирилмоқда.

* * *

Ҳар қандай танловнинг муваффақиятли якуни бўлганидек, мазкур тадбирнинг ҳам якуний натижалари чиқарилди. "Замонавий либослар" кўрик-танлови ва кўргазмаси тақдимотида иштирок этганлиги учун махсус диплом ва ТТЕСИ совғалари билан Мирзо Улуғбек саноат, Миробод саноат КҲКлари, Янги технологиялар бўйича республика КҲЛ, 7-бизнес мактаби, 6,21,22-КҲМ жамоалари, кўргазмада кичик зардўзликни тарғиб этганлиги учун номинацияси бўйича Ҳамза қурилиш КҲК жамоаси "Юлдуз" фабрикасининг, атлас газламалардан тайёрланган миллий либослар коллекцияси учун номинацияси бўйича Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик КҲК жамоаси ҳамда ўқувчиларнинг спорт кийимлари номинацияси бўйича Қўйлиқ маиший хизмат КҲК жамоаси "Пфафф-Зингер" савдо уйининг, ўқувчилар формаси номинацияси бўйича Енгил саноат КҲЛ жамоаси "Шарқ гули" фабрикасининг махсус совғалари билан тақдирландилар. Бундан ташқари, кўргазмалар бўйича А.Ҳўжаев номидаги тасвирий ва амалий санъат, Тошкент педагогика ва Сирғали политехника коллежлари, либослар бўйича Тошкент политехника, 1-педагогика, Республика рассомчилик, Яккасарой енгил саноат коллежлари ҳамда Республика илмий тажриба таълим мажмуаси жамоаларига "Пфафф-Зингер" савдо уйи ва Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармасининг махсус совғаларини ЎМКҲТ Маркази раҳбари Ж.Ҳусанов, Ўзбекистон халқ шоири Н.Нарзуллаев, Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғи М.Азимовлар топширишди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, хушовоз хонанда Сайёра Қозиева ўз қўшиқлари билан анжуманга янада файз киритди.

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

ЛИБОСЛАРДА БАҲОР ЖИЛВАСИ

Маълумки, юртимизга Наврўзи оламдан дарак берувчи баҳор фасли кириб келиши билан халқимиз гўзаллик ва нафосат байрамига ўзгача руҳда тайёргарлик кўра бошлайди. Ён-атрофга ўзгача бир жило бераётган баҳорнинг мана шундай тароватли кунларида пойтахтимиздаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маданият саройида гўзаллик, хушрўйлик, донолик ва лобарликда бир-биридан асло қолишмайдиган, яноқларида қуёш жилмайиб турган қўли гул чевар қизлар тўпланишди. Шу куни бу ерда Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида енгил саноат, хусусан тикувчилик йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи-қизлар томонидан тайёрланган замонавий либослар кўрик-танлови ҳамда кўргазмасининг тантанали тақдимоти бўлиб ўтди.

Ko'rik-tanlov

Taqdir taqozosi bilan Toshkentga kelib yashab, shu yerda faoliyat ko'rsata boshlaganimdan keyin esa, ayolning sabri borib-borib armonlarini kemirib tashlashiga amin bo'ldim.

*Muhtaram onajon, ruhimdagi jon,
Siz umrim chirog'i, tiriklik boshi.*

*Siz bilan nurafshon jumlai jahon,
Siz hayotning buyuk sabr-bardoshi.*

КАФТИНГДА ТУТ, АСРА АЁЛНИ

ОНАЖОНИМ

**Қани энди шоир бўлсаму
Шаънингизни кўкка кўтарсам.
Ҳеч бир шоир топа олмаган
Сўзларни мен сиз учун топсам.**

**Йўқдир бунинг асло иложи,
Таърифлаб ҳеч кўнглимиз тўлмас.
Сиз шундайин улуғ сиймоки,
Ёзган билан тугатиб бўлмас.**

***Араббой НИЗОМИДДИН ўғли,
Хўжаобод туманидаги
3-мактаб ўқитувчиси***

КАФТИНГДА ТУТ, АСРА АЁЛНИ!

"... Одам Ҳаввони ўзидек суратлиғ кўрди эрса рағбати келиб:"Менга ёвуқроқ келгил", — деб ундади. Ҳавво айди:

"Мени тилар эрсанг сен келгил". Одам турди. Ҳаввога келди. Агар бир соат сабр қилса эрди, Ҳавво келур эрди.

Ул йўлдин эр хотинларга бормоқ суннат қолди..."

"Қисаси Рабғузий"дан.

**Мулки жаннат ичра бир замон
Яратганда Аллоҳ Одамни,
Одам Ато шодлиги учун
Бунёд этди бутун оламни.
Улуғлади Одамни Аллоҳ,
Олтин тахтга ўтқазди алҳол.
Амр қилди фаришталарга:
"Бош эгингиз пойига дарҳол!"
Жаннат ичра ҳуру ғилмонлар
Хизматида бўлди эрта-кеч,
Сайраса-да, жаннатий қушлар,
Эътиборин тортолмади ҳеч.
Тополмасдан ўзига монанд,
Ғариб сезди бунда ўзини.
Шул сабабдан неки бор гўзал,
Қувонтирмас эди кўзини.
Шунда Аллоҳ Одам юзида
Кўриб ғамгин, саркаш хаёлни,
Одам Ато шодлиги учун
Яратмоқчи бўлди Аёлни...
Сайқал бериб бор бисотидан
Гўзал қилди аёл жисмини,
Одам Ато жуфти бўлсин деб,
"Момо Ҳавво" қўйди исмини.
Момо Ҳавво — кумуштан дилбар,
Сочлар ипак, кўзлар сочар нур,
Малоҳатда ҳеч ўхшаши йўқ,
Жаннат ичра гўё тенгсиз дур.
Бир кун ногоҳ гўзал Ҳаввога
Кўзи тушиб лол қолган они
Одам Ато томирларида
Жўшиб оқди муҳаббат қони.
Жамолига тўйиб боқмоқ-чун,
Ҳузурига чорлаб бетоқат,
Деди: "Бунда бор мавжудотдан
Фақат сени ёқтирдим, фақат!"
Ҳавво деди: "Чорлаган менмас,
Ўкинмагин, қилмасам сўзинг.
Гар тиласанг менинг жамолим
Кела қолгин ёнимга ўзинг!"
Одам Ато руҳиятида
Содир бўлди ажиб ҳол шу дам:
Унутдию сабр-бардошни,
Ҳавво сари ташлади қадам...
Нидо келди шунда Аллоҳдан:
"Эй, сабрсиз, кутмадинг бир зум,
Жиндай кутсанг Момо Ҳаввони
Юборардим ёнингга ўзим.
Энди токи қиёматгача
Қисмат қилдим сенга бу ҳолни,
Гар тиласанг ризолигимни
Кафтингда тут, асра Аёлни!"**

***Дилмурод САМАНДАРОВ,
Касби туманидаги
11-мактаб ўқитувчиси***

ОМОН БЎЛИНГ

**Кўзингизнинг кўзгусида
Фақат фарзанд аксин кўрдим.
Ҳаётингиз ёғдусида
Болам, деган таскин кўрдим.
Шу ўй билан бахтга ёрсиз,
Дарду ҳасрат чекингуси.
Гарчи ким-кимларга хорсиз,
Вале фарзанд куч бергуси.
Сочингизга инган "қор"ни
Артмоққа ҳам уринмайсиз.
Эгнингизга илиб борин
Югур-чопдан эринмайсиз.
Онажоним, нуржаҳоним,
Ўпгим келар изингизни.
Майли фидо қилсам жонни,
Бахтли қилсам ўзингизни.
Биз туфайли дилингизга
Ғурур ҳисси тўлса дейман.
Бахтлар тўла йўлингизга
Қалбим қуёш бўлса дейман.
Фақат сизсиз бизга нажот,
Сизла ёруғ бу жаҳоним.
Узоқ умр кўринг албат,
Омон бўлинг, онажоним!!!**

***Феруза ТОҒАЕВА,
Иштихон туманидаги
1-лицей ўқитувчиси***

"ЎҚУВЧИМДАН ГУЛ ЎРНИГА ШЕЪР КУТАМАН"

Ijodkor o'qituvchilar

Ҳар байрамнинг ўзига хос хусусияти бор. Ва шунга кўра байрамларга мос ва хос тадорик кўрилади. Айниқса қандай байрам бўлишидан қатъи назар, биринчи бўлиб ўқитган ўқитувчиларимиз, устозларимиз ёдимизга тушади. Бир оғиз ширин сўз билан улар кўнглини кўтариб қўйишга ошиқамиз. 8 март— халқаро-хотин қизлар куни келадиган бўлса, аёл муаллималарга ҳар доимгидан кўпроқ табассум улашилади. Мактаб ва олийгоҳларда ўқувчи, талабалар арзимас бўлса-да совғалар ва гулдасталар тайёрлашади. Лекин, Пойариқ туманидаги 19-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Ойхол Мажинова байрамларда ўқувчилари қўлидан совға-салом кўриш ўрнига, уларнинг ҳеч бўлмаганда 4 мисра шеър билан келишларини интиқ кутар экан. Шунинг учун бўлса керак, ушбу ижодкор ўқитувчининг кўпчилик шогирдлари олий даргоҳларнинг филология факультетларида ва бошқа ижтимоий йўналишларда таҳсил олиб, ўқитувчилик қилмоқдалар. Ҳозирда Устознинг "совғалари" йиғилиб-йиғилиб "Мушоира" номли китоб ҳолига келибди. Нашр этилажак бу китобни варақлар эканмиз, унда 5-синфдан тортиб, юқори синф ўқувчиларигача ҳамма-ҳаммасининг шеърлари мужассам эканлигини кўрдик. Китобга изоҳ бериш ниятида Ойхол Мажинова:

— Дунёда машҳур китоблар жудаям кўп. Лекин, айримлари ҳаваскорона, айримлари ҳақиқий шоирона ёзилган шеърларни ўз ичига олган мана шу мўъжазгина китобчани юрагимнинг бир парчаси десам ҳам бўлаверади. Негаки, ўқувчиларим аввалбошда байрам пайтида менга совға тариқасида шеър ёзган бўлсалар, кейинчалик шу орқали китобга, адабиётга ошно бўлишди. Шу тариқа байрам бўлмаган кунлари ҳам ўз-ўзидан шеърлар, ҳикоялар кўтариб келадиган бўлишди. Бу мен учун ҳар куни совға дегани, яъни менинг ҳар бир куним байрам деганидир.

Ҳақиқатан ҳам, мактабнинг обрўйини кўтарадиган фанлараро олимпиадаларда ҳам она тили ва адабиётдан туман ҳамда вилоят ғолиблари бўлаётганлар шу ўқитувчининг шогирдлари саналади. Биз ҳам шундай ташқи ахборотлар кўлами кучайган бир вақт бўлишига қарамасдан йўлини қилиб ўқувчиларда китобга, ўқишга қизиқиш уйғотаётган ўқитувчиларимиз сафи бундан-да кўпайсин деймиз.

Мухбиримиз

АЁЛ САБРИ АРМОНЛАРНИ КЕМИРАДИ

Мактабни олтин медаль билан битириб Тошкент шаҳридаги Низомий номли педагогика институтининг ҳозирги университет математика факультетига ўқишга кириб уйга қайтганимда, оиламиздагилар нигоҳида қувончдан кўра хавотир ва ҳадик устунлигини кўриб, "Албатта, юзларингизни ерга қаратмайман!" деб ваъда берганларим ҳечам хаёлимдан кетмайди. Ана шу ваъдам институтни битираётганимда Москвада аспирантурани давом эттиришим учун берилган йўлланмадан воз кечишимга сабаб бўлди. Чунки, онамнинг "Фалончининг қизи йўлини шаҳарда йўқотиб, ўша ерларда қолиб кетди, деган гапни олиб келма" дея айтган сўзлари мен учун ҳар қандай имкониятдан азизроқ эди. Йўқ, вақт ўтиб ҳам оила, ҳам ўқитувчилик борган сари "чўққиларни" орзулаб кўникмаётган ҳаётимни мазмундор қила бошлади. Тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб яшаб, шу ерда фаолият кўрсата бошлаганимдан кейин эса, аёлнинг сабри бориб-бориб армонларини кемириб ташлашига амин бўлдим.

Энди муқаддимадан муддаога ўтадиган бўлсам, 1975 йилдан бери математика ва физика фанларини ўқитиб келаётган ўқитувчи сифатида ва ўтган йиллар мобайнида тўплаган тажрибаларим асосида айтишим мумкинки, ҳар бир ўқувчининг ҳамма фанларга, шу жумладан математикага нисбатан лаёқати бўлади. Фақатгина ўқувчи қайси фанга кўпроқ қизиқтирилса, ўша дарсларга эътиборлироқ бўлади. Охирги пайтларда дарсларда ўзимни ўқитувчидек ҳис қилишни "йиғиштириб" қўйдим. Чунки, озгина туртки бериб, ўқувчиларни йўналтириб қўйсангиз, улар энг қийин фан бўлган математикани ҳам мустақил ўзлаштириб олишади. Айтадиган бўлсам, биз ҳозир математика хонасидаги парталарни айлана шаклида қўйиб, бир-бирига қарама-қараши ўтирган ўқувчилар партадош ҳисобланади. Мисоллар ҳам шунга кўра "партадошларга" бир хил қилиб берилади. Лекин улар бир-бирларидан кўчира олмайдилар.

Шу ўринда байрамона руҳга мос келадиган бир кузатишимни айтиб ўтмоқчиман. Ўтган 28 йил мобайнида 2015 нафар ўқувчига математика сабоқларини ўргатдим. Уларнинг 1209 нафари қизлар бўлган. Йиллар давомида белгилаб қўйганларимга асосан шундай хулоса чиқаришим мумкинки, йигитларга қараганда қизларда математика фанига бўлган мойиллик кучли бўлади. Тўғри, қиз болалар тиришқоқ ва ҳаракатчан ҳамдирлар. Лекин, уларнинг мақсадлари улғайгач, турмуш туфайлими, орзулигича қолиб кетади. Ҳазилнамо қилиб дейишим мумкинки, агарда математикларга ҳам Нобель мукофоти берилганидами, бу соҳадаги мукофотни биринчи бўлиб аёл-қизларимиз қўлга киритган бўлар эди.

***Юлдуз БОБОБЕКОВА,
математика фани
ўқитувчиси***

Ayol, oila, jamiyat

Америкалик тадқиқотчилар аёллар ўртасида сўровнома ўтказишиб, уларнинг ишлашга муносабатини билмоқчи бўлишган. 99 фоиз аёл уйда ўтиришни эмас, балки ишлаш афзал эканлигини таъкидлашган. Бизнинг суҳбатдошимиз — ишлайдиган ва илм-фан ривожига озми-кўпми ҳисса қўшаётган аёллар.

Рихси СОБИРОВА, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти "Биохимия" кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

—Аёлга ҳеч қайси соҳада осон эмас: хоҳ таълим, хоҳ тиббиёт, хоҳ ишлаб чиқариш ва хоҳ замонавий касб — тадбиркорликда. Илмий тадқиқот олиб бориш ҳам аёл кишини ортиқча машаққатлар гирдобига ташлайди. Машойихларнинг бир гапи бор: аёл бу ёруғ оламга қийинчиликларни енгиш ва бартараф этиш учун келади.

Ёшинг улғайган сари, ақлинг, шууринг теранлашаверар экан. Узоқ йиллар мобайнида олиб борган тадқиқотларим мени оилавий ҳаётнинг икир-чикирларидан халос бўлишга ундагандек бўлса ҳам, мен тарозининг икки палласини, яъни оила ва ишимни бирдек кўришга ҳаракат қилардим. Фанда пастки ва юқори зиналар бор. Агар аёл киши, ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш учун астойдил интилса, ўша зиналарни забт этади. Аввал номзодликни, сўнгра 1994 йилда докторлик ишини ҳимоя қилдим. Айни пайтда турмуш ўртоғим билан бақамти ва баҳамжиҳат туриб, икки нафар фарзандни вояга етказдик. Улар ҳам илм-фаннинг "этаги"ни тутишди. Ўғлимиз Улуғбек тери-таносил касалликлари бўйича мутахассис бўлса, қизимиз Дилчеҳра — тиббиёт институти магистранти.

Кафедрамиздаги 16 кишининг тенг ярми хотин-қизлар, улар дарс бериш билан биргаликда тадқиқот олиб боришади. Мен улардаги ёшликка хос куч-қувватни кузатиб, ҳавас қиламан ва улар каби елиб-югурганларим, ҳаёт ташвишларига кўмилганларим кўз ўнгимдан ўта бошлайди. Аёл турмуш синовларига ўзининг нозик жуссасини, қалб ва иродасини қалқон қилади.

Ҳалима БОБОХОНОВА, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти "Полиграфия" кафедраси ўқитувчиси, техника фанлари номзоди:

— Аёлнинг жони қирқта, дейишади. Бир вужудда эса қирқта эмас, битта жон яшайди. Балки унинг ана шу биргина жони билан қирқта ишни бартараф этишига ишора сифатида ушбу гап айтилгандир.

"ОҚИЛА, ГЎЗАЛ, ИРОДАЛИ БЎЛ!" дейишади уларга қарата

Оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни тарбиялаб вояга етказиш аёл зиммасига юклатилгани бежиз эмас. У ўша вазифани қадим-қадимдан уддалаб келади ва у бугунги кунда ҳам ўзининг она мерос, момо мерос ўша вазифасига содиқ қолди.

1980 йилда ўзим тугатган мазкур институтда матбаачилик бўйича аспирантурага киришга қарор қилган эдим. Иттифоқ даври, бу йўналишда аспирантура Ўзбекистон бўйича йўқ эди. Москвага қатнашимга тўғри келди. Оилавий турмуш муаммолари ҳам мени четлаб ўтмаганди. Аммо ҳам оилавий ҳаётни, ҳам илм-фанни бир вақтнинг ўзида идора этиб боришга имкон топдим, яна ҳам аниқроғи, шунга ўзимни мажбур қилдим. Баъзан "Илмий даражанинг менга нима кераги бор?" деган фикр ҳам миямдан ўтар, аммо устозим, институт ректори Ҳалима Алимованинг "Судралиб юрманг, бир уринсангиз мақсадингизга эришасиз", дея кўп бора укдиришлари яна мени курашга чорларди.

Мана, ҳаммаси ортда қолди. Фарзандларимиз ҳам улғайишди. Илмий даражалик ҳам бўлдим. Ҳаёт олдинга янги-янги довонларни забт этишга ундайверар экан. Энди олдимда докторлик иши турибди. Аёл киши ҳеч қачон оилавий ҳаётни тарк этолмайди. Қариндош-уруғларни йўқлаш, тўй-маъракаларда иштирок этиш, иш жойингдаги кундалик ташвишлар... Ҳам бекалик, ҳам устозлик, ҳам олималик барини қориштириб, ўзлигингни, ўз қиёфангни яратишинг керак.

Шоира ИБРАГИМОВА, Тошкент архитектура-қурилиш институти катта ўқитувчиси:

— Математика фани билан кўп ҳолларда, аёллар шуғулланишмайди. Бу фанни қийин деб билишади. Лекин, менинг назаримда, аниқ фаннинг олдида аниқ вазифалар тургани боис у билан шуғулланиш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

"Олий ва амалий математика" институтимизнинг олд кафедраларидан бўлиб, унинг пойдеворини яратган ўзбек олимаси Маъпура Орифхоновадир. Опа 1966-1977 йиллар мобайнида кафедрани бошқариш билан биргаликда, шу соҳада фан докторлиги илмий даражасига сазовор бўлган дастлабки олима эди. Кафедра ўқитувчилари Маъпура Орифхонова номини тез-тез ёдга олишади.

Бугунги кунда эса кафедрага А.Абдураҳимов раҳбарлик қиляпти. С.Мирзаев, И.Қодиров, Х.Анорбоев, Ш.Хуррамовлар қаторида оддий аёл ўқитувчилар ҳам математика илми сабоқларини талабаларга беришмоқда. Улар математика ва механиканинг асосий йўналишларига доир назарий ва амалий тадқиқотлар билан ҳам банд. Олинган илмий-амалий натижа ва хулосалар тўплам ёки мақола тарзида эълон қилинмоқда. Кейинги йилларда 23 та монография, 5 жилддан иборат "Олий математика" дарслиги, 9 та ўқув, 136 та услубий қўлланмалар нашр қилиндики, буларга ҳар бир ўқитувчининг оз-оз бўлса-да, ҳиссаси қўшилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, кафедрамиз ўқитувчилари математика назарияси ва амалиётига доир маҳаллий ва халқаро конференцияларда ҳам ўз илмий маърузаларини тақдим этишмоқда. ЎзФАнинг "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ўрнатилган ҳамкорлик ҳам ўз самараларини бера бошлади. Хусусан, "Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика масалаларини ечиш", "Реактордаги бир жинсли бўлмаган суюлтирилган қатлам ҳаракат жараёнларини математик моделлаштириш" мавзулари бўйича кафедра ва бирлашма олимларининг ҳамкорликдаги тадқиқотлари ижобий натижа берди.

Кафедрамизда уч нафар аёл ишлайди. Улар сафини кенгайтирсак, ёш тадқиқотчилар математика фанининг янгидан-янги имкониятларини очиб беришади. Маъпура Орифхоновадек етук олимларнинг изидан кетиш, уларга муносиб шогирд бўлишимиз керак.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

ФАРЗАНД УМРБОД ҚАРЗДИР

(Дунёдаги энг яқин, мўътабар зот, онам Маърифатхон аяга бағишлайман)

**Онамнинг ҳурматини жойига қўйгим келар,
Ҳали ҳеч ким айтмаган сўзларни айтгим келар.
Қуёш деб таърифласам, худди камдек кўринур,
Ердаги каъбам десам, балки бу кўнглим тўлур.
Хаёлимни тўплайман сифатлар излаб янги,
Дунёда ҳеч зот борми она каби мард, танти.
Ёлғизгина у ўйлар фарзандининг бахтини,
Лозим бўлса беради жони бирла тахтини.
Аммо ўзи ҳаётда кўп нарсага зор эмас,
Унга меҳр-муҳаббат бўлса, шунинг ўзи бас.
Лекин фарзанд баъзида хатога йўл қўяди,
Она уни ўйлайди, фарзандини суяди.
Чунки қадим-қадимдан қолган экан бу одат,
Азият чекмай бундан она берур саодат.
Шунинг-чун она меҳри қўлинг етмас бир аршдир,
Бу саҳоват олдида фарзанд умрбод қарздир.**

***Зуҳро УБАЙДУЛЛА қизи,
Тошкент фармацевтика
институти ўқитувчиси***

МЕҲР ТИМСОЛИ

**Тунлари ёзибман кимгадир баёт,
Кимнингдир ишқида кезибман сарсон.
Муҳаббат куйида ширин энтикиб
Сизни унутибман бир дам онажон.**

**Кўчада дўстимни кўриб соатлаб
Сўзлашиш кўнглимга тегмас ҳеч қачон.
Аммо фарзанд бўлиб ҳар дақиқани,
Қизғонибман сиздан азиз онажон.**

**Вақт ўтди. Дўст сирим ёйди оламга
Бир оғиз аччиқ сўз айиргач бизни,
Кўз очиб юммасдан тонгда хонамга
Баҳор ташлаб кетди сарғайган кузни.**

**Севги сароб тўла косасин тутиб,
Ҳатто хайрлашмай кетди қайгадир.
Берган ваъдаларин тамом унутиб
Адир ўртасида қолдирди тақдир.**

**Зулмат эгаллади гўё заминни,
Кенг дунё дўппидек кетди кўриниб.
Аламдан тимдалаб бутун танимни,
Ортимга қарадим маъюс ўгрилиб.**

**Во ажаб! Сервиқор тоғларни ошиб
Исмимни айтганча келарди бир жон.
Овози, юриши таниш, наҳотки,
Наҳотки бу сизсиз, мунис онажон.**

**Эй тақдир, мен осий бандангга сўнг бор
Тўғри йўл кўрсатгин, бергин бир имкон.
Муштипар шу зотга кераклигим-чун
Яшашим шартлигин тушундим шу он.**

***Умида БОЗОРБОЕВА,
Поп туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси***

СОҒИНЧ

**Узоқ, олис юртда яшайди онам,
Кўзлари қуёшу мунгли, муштипар.
Гоҳида мен эмас, оҳ чекар хонам,
Онамдан келганда севинчли хабар.**

**Ахир мен қиз бўлдим, орзуси бўлиб,
Кўксимда яшайди чексиз самовот.
Шаҳарда юрибман умримни қувиб,
Онам-чи, қишлоқда топмай ҳаловат.**

**Эрта кириб келар, ҳайит, байрамлар,
Мен йўқлаб бораман йўл олис, йироқ.
Онам-чи йўлимга муштоқ қарайди,
Қалбимда ёнади севинчим чироқ.
Қақраган лабимдан сирғалар бир сўз,
Кўзимнинг қувончи кўкка бўй тутар.
Она, яшаяпман неча йил сизсиз,
Мени сиздан ўзга яна ким кутар.
Наманган йўллари олис эмасдир,
Унда бир аёл бор, танҳо ва мунис.
Мен эса қучаман вақти келганда,
Шунгача соғинар шаҳарда бир қиз
ёлғиз...
ёлғиз...**

***Нигора ЎРОЛОВА,
ЎзДЖТУнинг халқаро
журналистика факультети талабаси***

ОНАМНИНГ СЎЗЛАРИ

**Онамнинг қўлларин сезаман
Ҳовлининг гул, райҳон, чечакларида.
Жажжигина жиянларимнинг
Кўзмунчоқ қадалган кўйлакларида.**

**Онамнинг сўзларин сезаман
Турмушнинг паст-баланд сўқмоқларида.
Камтарин меҳнатим улуғлаб,
Кексаларнинг қилган дуоларида.**

**Онамнинг кўзларин сезаман
Босган қадамимда адашсам гоҳо...
Ҳалоллик-покликка етаклаб,
Доимо йўлимда бўлурлар зиё.**

***Муаттар АЛИМБЕКОВА,
Миробод туманидаги
214-мактаб ўқитувчиси***

БАРЧАСИДАН БУЮКДУР

**Қўшиқларнинг онаси — онажоним алласи,
Қуёш нури аслида онам оқ соч толаси.
Онажоним ҳар сўзи ҳаёт эрур танимга,
Ўгитлари бир умр оро кирур жонимга.**

**Онажоним юзидан дилим равшан тортади,
Менга берган меҳридан элга меҳрим ортади.
Нур уланиб кўзимга, хира тортган кўзлари,
Алла айтиб тунлари бедор бўлган ўзлари.**

**Меҳри билан иситар мени совуқ қаҳридан,
Ўсиб кучга тўламан онажоним меҳридан.
Онам меҳри олдида нурсиз эрур шуҳрат-шон,
Барчасидан буюкдир меҳрибоним онажон.**

***Солижон ХУДОЁРОВ,
Нуробод тумани 56-мактаб ўқитувчиси***

ТЕНГСИЗ ХИСЛАТ ЭГАСИ

**Қуёшдан сўрдилар: эй нурли қуёш!?
Сенинг ҳам тафтингдан борми ҳеч кучли?
Қуёш жавоб қилди: мендан ҳам оташ,
Оналар меҳридир, мендан ҳам нурли.**

**Ўлимдан сўрдилар: айтчи, эй ўлим,
Сенинг ваҳимангдан борми ҳайбатли?
Ўлим жавоб қилди, лол қолган тилим,
Оналар меҳридир мендан қудратли.**

**Донодан сўрдилар: айтгин эй доно,
Ким дунёда тенгсиз, кучли, мардона.
Доно жавоб қилди, бардошда танҳо,
Фарзанднинг доғини кўтарган она.**

**Бу ҳикмат бежизмас, чиндан ҳақиқат,
Зеро, она меҳри қуёшдан зиёд.
Тенгсиздир ундаги чидам-матонат,
Жамики, одамзод онадан бунёд.**

***Нодира САИДАЗИМОВА,
Тошкент маданият
коллежи талабаси***

ОЛЛОҲГА БЕҲИСОБ ҚИЛАМАН ШУКР

Онам Турсуной момо Нурмурод қизига

**Ассалом онажон — жондан азизим,
Бағрингиз гулбаҳор, меҳрингиз қуёш.
Сизга дилдан ҳурмат, тазарру, таъзим,
Қалбимга ҳам оҳанг меҳрибон сирдош.**

**Муҳтарам онажон, руҳимдаги жон,
Сиз умрим чироғи, тириклик боши.
Сиз билан нурафшон жумлаи жаҳон,
Сиз ҳаётнинг буюк сабр-бардоши.**

**Турмуш ташвишлари қўлимдан тутиб,
Яшаш-чун курашга чорлайди, ҳар дам.
Уйдан олис бўлсам йўлимни кутиб,
Дуолар айлайсиз мунис волидам.**

**Эзгу ниятингиз: "Одам бўл,-болам,
Хизмат қилгин халққа, юртга, ватанга.
Сенга ҳавас билан қарасин олам,
Эл олқишлаб раҳмат айтсин отангга".**

**Шафқатсиз ҳаётни қилдим тасаввур:
Колумбдек ер юзин кезиб пиёда,
Оллоҳга беҳисоб қиламан шукр,
Онамнинг борлиги учун дунёда.**

**Кўнглимда шоирлик: ўтли муҳаббат,
Фарзандлик туйғусин қалбан англайман.
Зангор хаёлимда бир олий ният,
Онажон, шеър бўлиб мен жаранглайман.**

***Шеромад ИСЛОМОВ,
Навбаҳор туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси***

ЁЛҒИЗ АЁЛ ҚЎШИҒИ

**Менга ёлғизсан деб, айтолмас биров
Дилимда мен билан орзу яшайди,
Юракда ҳеч қачон сўнмаган олов,
Умидлар қалбимда эзгу яшайди —
Чунки мен онаман!**

**Бахтсиз деб ҳам мени ҳеч ким айтолмас,
Оналик бахтидан қониб яшайман.
Ўн саккиз ёшлилар қилсинлар ҳавас,
Улардек ёш бўлиб, ёниб яшайман,
Чунки мен онаман!**

**Шоҳлар ҳам эгилар она қошида,
Тан берар онага ҳар комил инсон,
Гар парвона бўлсам болам бошида,
Меҳримнинг нуридан ёруғдир жаҳон,
Чунки мен онаман!**

**Фаришталарга кўп қилдиму ҳавас,
Покликда улардан олдим мен тимсол.
Бўлай деб ҳамиша покиза, ҳалол,
Яшадим дунёда фаришта мисол,
Чунки мен онаман!**

**Ҳижроннинг ўтида қоврилиб таним
Баъзан ёстиғимга тўкканимда ёш,
Ёлғиз Оллоҳ бўлди, менинг суйганим
Ва ундан сўрадим бир умр бардош,
Чунки мен онаман!**

**Менга ёлғизсан деб, ҳеч ким айтолмас,
Қалбимда мен билан орзу яшайди...**

***Назира ҲАЙДАРОВА,
Жиззах тиббиёт
коллежи ўқитувчиси***

Chunki, o'zbekning to'yi ko'p. Uning sarf-xarajatlarini, chiqimlarini uncha-buncha baquvvatroq cho'ntak ham ko'tarolmaydi.

ТЎЙ НЕГА ҚОЛДИРИЛДИ?

Mulohaza

Комила опа тўй ташвишлари билан бўлиб, ўзини анчайин олдириб қўйди. Икки-уч йилдан бери тўй тадоригини кўраётган опа кўрпа-тўшак, келин сарполари, уй жиҳозларини ҳозирлаб, "энди бир қозон-товоғи қолди", дея енгил торттан эди. Аммо келиннинг жавобини олиб, тўй кунлари яқинлашган сайин ҳали катта харажатлар олдиндалигини англади. Бунинг устига ўғлига "чевар қиз, уйда ўтиради. Мендек эртадан кечгача мактабга кетиб, узун кечалари китоб варақламайди", дея оғзидан бол томиб мақтаган бўлажак келинининг онаси ҳам ёқмай қолди. Кеча ҳам қудасиникидан анчайин хафа бўлиб қайтди. Келиннинг ЗАГСда киядиган кўйлагининг пули юз минг сўм эмиш...

—Ахир, қудажон, бизлар бир ойликка қараган ўқитувчилар бўлсак. Арзонроғи йўқ эканми? — деган эди, балога қолди.

Қизига ҳаётда бир мартагина тўй бўлар эмиш. Бунинг устига ўзи чевар бўлгани учун дугоналари ҳавас қиладиган кўйлак бўлсин экан.

"Қизинг чевар бўлса, кўпларнинг ҳавасини келтирадиган кўйлакни ўзи тикиб кийсин. Ким-кимлар эгнига олган кўйлакни бир кечага юз минг сўмга олиш нима деган гап", деб юрагидагини тўкиб-солгиси келди-ю, аммо "ўзи пиширган ош", лаб тишлади. Шундай қилиб кўйлакнинг эллик мингини ўзи, қолганини қудаси тўлайдиган бўлиб, келишишди.

* * *

Каллаи саҳарлаб телефоннинг жиринглаши нохуш нарсадан хабар бераётгандек юрагини увиштириб юборди. Хавотирланиб трубкани кўтарди...

— Ассалом, қудажон, яхшимисиз, — дейиши билан қудаси сўз бермай, бобиллаб кетди.

— Мени қуда дема-э, сен қуда бўлишга арзимайсан. Ўғлингни кечаги қилиғи учун судга бераман. Қаматмасам, қўймайман. Қизимни урган қўлларини синдиртираман. — Мен бошида айтган эдим "бу қашшоқлар бизга тўғри келмайди, тенгимиз эмас" деб, лекин ҳаммасини эрим қилди.

— Худо ҳақи, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, нима бўлди, — деди Комила опа титраб...

— Нима бўлганини ўғлингдан сўра. Ҳеч қанақа тўй бўлмайди. Келиб лаш-лушларингни олиб кет... — Трубка тарақлаб жойига қўйилди. Комила опанинг қулоқлари том битиб, оёқларида мадор қолмади. Бўлаётган воқеалар тушидами, ўнгидами англай олмас, худди ҳушсиз одамга ўхшарди...

* * *

Хайрият, турмуш ўртоғи Толиб ака бор экан. Хотинини юпатди. Бўлиб ўтган воқеанинг тагига еттандан сўнг эса, ўғлини ҳам ортиқча койимади...

Ўша куни юз минг сўмлик кўйлак ҳақидаги гапни бўлажак келиндан эшитган Азизжон "шунча пулга арзимас кўйлакни олишнинг нима кераги бор", дебди хафа бўлиб. Келин эса:

— Онангиз каби сиз ҳам хасис экансиз... Юз минг сўм ҳам пул бўлдими, — дея бобиллаб берибди. Кутилмаган ҳақоратга чидай олмаган Азизжон жаҳл билан тили узун қизнинг бетига шапалоқ туширибди.

— Ана, онанг берган эллик минг пул, ол, хасис, — дея пулларни кўлмак сув устига улоқтирибди.

Андишасиз қизга гапириш бефойдалигини англаган йигит "онам бу пулларни сенлардек текин топмаган" дея, битта-битталаб териб, орқасига қарамай уйга қайтибди, можарони эса айтишга жазм этолмабди...

Битта кўйлак можароси дея тўй қолдирилди. Кейинчалик ҳалол, ақлли оиланинг фарзанди бўлган Азизжон ўз тенгини топиб уйланди.

* * *

Куёв бўлмишнинг отаси ўзича тўй харажатларини хомчўт қилиб, шундан келин сарполари учун ҳам маълум миқдорда пул ажратган эди. Харидга келган юзи қаттиқ келин эса бунга кўнмади. Айтган барча нарсаларини олиб беришларини қатъий туриб талаб қилди. Бўлажак келинга онаси ва холасининг "Болам, қайнотангга ҳам қийин, тўй ўзи бўлмайди. Иккаланг ишласангизлар яна оларсизлар, ахир буюм қочиб кетмайди", дея қилган насиҳатлари ҳам кор қилмади...

Қўли калталигию рўзгорнинг етар-етмаслиги, бунинг устига ўз домига тортувчи ўпқондек тўй харажатларидан асаблари қақшаб кетган қайнотани ҳали қўлидан бир пиёла чой ичмаган зумраша, гапдон, юзсиз келиннинг қилиқлари баттар жунбушга келтирди. У бозор ўртасида ўзи билмаган ҳолда бақира кетди:

— Керак эмас менга бундай латтапараст келин. Ҳаммасига ўт тушсин. Тўй бўлмайди, кетдик, кетдик дедим сенларга, — дерди у тутақиб ўғли ва хотинига...

Томошага ўч одамлар эса бозор ўртасида гуруҳ-гуруҳ бўлиб гап нимадалигини тушунолмай ҳангу-манг, баъзилари эса кулишарди.

* * *

Мен ҳаётда бўлиб ўтган икки воқеани сизга ҳикоя қилиб бердим, холос. Ҳолбуки, бундан баттар воқеаларнинг ҳам бўлмаслигига ҳеч биримиз кафолат бера олмаймиз. Чунки, ўзбекнинг тўйи кўп. Унинг сарф-харажатларини, чиқимларини унча-бунча бақувватроқ чўнтак ҳам кўтаролмайди. Оқибатда ҳали икки ёш бир ёстиққа бош қўймасданоқ орага совуқлик тушади, баъзан эса тўй ҳам бўлмайди. Наҳотки, бир умр тоғанни бир кечада совуриш, икки ёш бахтини ҳою-ҳавас асосида қуриш нақадар ачинарли эканлигини англаш шунчалик қийин.

Яна бир томони, арзимас битта-иккита кўйлагу кийим деб бозорда, кўчада кулги бўлган қизлар ҳам, қуда бўлмай туриб бўлажак қудалари юзига оёқ қўйган аёл ҳам бир пайтлар жажжи қизалоқ бўлган, мактабда таълим олган. Демак, тарбия бобида ўша пайтда йўл қўйган хато-камчиликларимиз, эътиборсизликларимиз меваси сифатида юзага чиқаётган юқоридаги сингари иллатлар, бир томонлама мулоҳаза юритишлар бугун бизга аччиқ ҳаётий сабоқдир. Келажакка бугун пойдевор қўйилишини чуқур англаган ҳолда мустақил ҳаётга йўлланма олиш арафасида турган ўғил-қизларимизга тарбиявий сабоқларда масаланинг ана шу жиҳатларини ҳар томонлама асосли ва ишонарли тарзда тушунтириш фойдадан холи бўлмайди. Президентимиз И.Каримов мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда тўй ва маросимларни ортиқча дабдабаларсиз, камчиқим ва миллий-маънавий қадриятларимизга муносиб ўтказиш кераклигини алоҳида эътироф этганлиги ҳам бежиз эмас. Бу масаланинг ижобий ечими маҳалла, кенг жамоатчилик билан бир қаторда таълим-тарбияга дахлдор ҳар бир кишига ҳам катта масъулият юклайди.

Қизларимизга қат-қат саруполар эмас, ибо-ҳаё, ору номус — зебу зийнат эканлигини, йигитларга мардлик, матонат, меҳнаткашлик ярашишини мактаб партасидаёқ онгларига сингдириб камол топишига нима етсин!

Сора ТОШЕВА,
журналист

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳамкасбимиз тўғри айтибди. Айрим аёлларимиз ва қизларимизнинг бугун нарсапараст бўлиб кўринаётганлиги улар тарбия топган оилалардаги маънавий қашшоқлик муҳитининг ҳосиласидир. Бугун мевасини кўряпмиз. Уларга инсоф берсин. Бироқ бугунги ғунчаларни маънавий таназзулдан асрайлик, азизлар!..

БОЛА МЕҲНАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

Fikr

Оиладаги фаровонлик ва унинг илдизи ота-она томонидан қилинган меҳнат эканлиги фарзанд онгига сингдирилиши ғоят муҳим. Ўткир зеҳнли ёшларимизга илм, ҳунар эгаллашнинг ўзи кифоя қилмайди, уларнинг қалбида касб-ҳунар одоби, элюрт манфаати, Ватан меҳри бўлмоғи зарур.

Ўзбек халқи ўз тараққиёт йўлида бола тарбиясига алоҳида эътибор бериб келган. Бу борада, энг аввало, болаларни савоб ва гуноҳ ишларни ажрата билишга ўргатишган.

Минг йиллар давомида тўпланган тарихий-маданий меросимиз, таълим-тарбия асослари, бемисл анъаналаримиз ва урф-одатларимиз, афсуски, "инқилоб"дан кейин "эскилик сарқити" деб оёқости қилинди. Шу сабабдан ота-боболарнинг ҳаётий ибратини, ўгит-насиҳатларини ёшлар онгига етказолмадик.

Кўп йиллар давомида аждодларимиз яратган бебаҳо маънавий ва илмий хазина, таълим-тарбия ишларидаги миллий руҳ ва анъаналар четга суриб қўйилди. Эндиликда бой ва олис тарихимиз биз учун ўзлигимизни англаш йўлида хизмат қилиши зарур.

Бобокалонларимиз ўзидан олдинги аждодлар донолиги, зукколиги, мардлиги, қалби кенглиги ва бошқа хислатларини ўзига сингдирган, бутун ҳаёти ибрат намунаси бўлган.

Аждодларимизнинг қисмати жуда оғир кечди: босқинчилик урушлари, доимий қирғинлар туфайли бетакрор обидалар, гўзал шаҳарлар вайронага айланиб, ҳисобсиз ноёб буюмлар, қурол-аслаҳалар, қимматбаҳо кийим-кечаклар, жуда кўп нодир қўлёзма ва китоблар юртимиздан турли ўлкаларга олиб кетилди. Кутубхоналар, маданий марказлар, гўзал қасрлар ёвузларча вайрон этилди. Бу ҳақда ёшларга батафсил маълумот бериш уларнинг тарбиясида катта аҳамиятга эга.

Маълумки, ёшлар ҳамиша катталарга тақлид қилади, уларга эргашади. Ёшликда болага берилган таълим катталарнинг ибрати, бамисоли тошга ўйилган нақш, шу боис ўғил-қизларимизнинг қандай йўлларни танлаши биз учун аҳамиятсиз эмас.

Маънавий-руҳий инқирозни енгишнинг асосий йўли — миллий-маданий меросни ёшлар тарбиясига сингдиришдир.

Болалар тарбиясида ўйин билан меҳнат бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ташкил этилиши лозим. Маълумки, ўйинга ҳаддан ташқари берилган болаларнинг меҳнатга бўйинлари ёр бермай қўйиши мумкин. Бу иш асосан оилада, сўнгра мактабда амалга оширилиши керак. Болага ўйин учун вақт ажратилганидек, меҳнатга ҳам вақт ажратмоқ шарт. Муҳими, болада меҳнатга бўлган муносабат ўйинга бўлган муносабатдан жиддийроқ бўлишига эришиш зарур.

Оила бола учун тарбия ўчоғидир. Кун, ой, йиллар болага умр, ҳаёт, меҳнат ва билим эса ақл-идрок қўшади. Боланинг ота-она ва катталардан эшитгани, билгани ва ёд олгани бир умрга эсда сақланиб қолади. "Қуш уясида кўрганини қилади" деган мақол бор.

Иш билан бандман, деб фарзанд тарбиясини бутунлай мактаб ўқитувчилар жамоаси зиммасига юклаб қўядиган,жамият олдидаги ота-оналик бурчини адо этишга чап берадиган кишилар оз бўлса-да, учраб туради. Шунингдек, сен ўқишинг керак, деб фарзандининг қўлини совуқ сувга урдирмайдиган оилалар ҳам бор. Тўғри, кўп ўқиш керак, лекин инсонга бошқа сифатлар ҳам зарур. Жумладан, жисмоний меҳнат қилишга ўргатиш шарт. Бола ҳаракат қилса, ҳаммасига вақт топиши мумкин.

Демак, фарзанд тарбияси, ота-оналарнинг оилага, ёрбиродарларига, маҳалла ва қариндош-уруғларига, ҳамкасбларига бўлган муносабатига қараб шаклланади. Шунингдек, унинг фаолият турларида уй-рўзғор юмушлари, юриш-туриш, кийиниш, овқатланиш намоён бўладиган ибратли томонларини кўриб, уни ўзига олади. "Тома-тома кўл бўлур...". Секин-аста шаклланиб, фарзанд яхши фазилатлар соҳиби бўлади.

Тўлаган ДОМАЕВ,
педагогика фанлари номзоди,
халқ таълим аълочиси

ҒАЗАЛХОН ЁШЛИГИМ

Наманган давлат университети профессор- ўқитувчилари ва талабалари ўқув йили давомида мунтазам равишда маънавият дарсларида Алишер Навоий асарларини ўрганиб боришмоқда.

Айниқса, талабалар ўртасида ўтказилаётган "Ғазалхон ёшлигим" кўрик-танлови ҳаммага маъқул бўлмоқда.

Хусусан, факультетлар орасида инглиз филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Неъматилла Отажонов бошчилигида Навоий асарлари, шеърлари ва ғазаллари инглиз тилига таржима қилиниши, инглиз тилида Навоий шеърлари ҳамда ғазалларининг талабалар томонидан ўрганилиши, шунингдек, шеърият кечалари ўтказилаётганлиги диққатга сазовордир.

Алишер Навоийнинг "Хамса", "Маҳбуб-ул-қулуб", "Ҳайрат-ул аброр" асарларини ўрганиш бўйича университет кутубхонасида китобхон-талабалар конференциялари бўлиб ўтди.

Университетимизда Алишер Навоий асарлари ўрганилишининг мунтазам йўлга қўйилиши талабалар қалбида завқ уйғотиши, уларнинг туйғуларига, ҳиссиётларига таъсир қилиш билан бирга, ҳар бир талабани она Ватанга муҳаббат, унинг ўтмишига ҳурмат, улуғ аждодлар олдида масъуллик руҳида тарбиялайди, поклик, ҳалоллик, комиллик сари етаклайди.

Ҳалимахон МУҲАММАДИЕВА,
Наманган давлат университети талабаси

Odamlar nuqul menga qarashayotganida ham hech narsani sezmaganman. Chunki xayolim bosmaxona hidi ufurib turgan roman sahifalari bilan band edi.

Ustoznoma

ҲАЛОЛЛИҚДАН САБОҚЛАР

Ўз севган соҳам — журналистика бўйича пойтахтдан иш топаман, деб Тошкентдай шаҳри азимнинг кўчаларида ўн йил сарсон-саргардон кездим. Ниятим қатъийлиги Оллоҳга етиб борди, шекилли, узоқ елиб-югуришлардан сўнг каминанинг кўчасида ҳам омад чироғи нур соча бошлади. 1983 йилнинг апрель ойида орзуим ушалиб, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси санъат бўлимида ишнинг дараги чиқди. Чунки ўша даврда бирор-бир таҳририятга оддий мусаҳҳиҳ бўлиб ишга кириш ҳам жуда қийин ва мураккаб савдо эди.

Суҳбатдан ўтиш учун газетанинг бош муҳаррири Одил Ёқубов ҳузурига кирдим. Севимли ёзувчинг билан ўтиришнинг ўзи бахт эди. Ўртамизда шундай савол-жавоб бўлиб ўтди:

— Қаерликсиз, ука?

— Навоийдан.

— Қаерда ўқигансиз?

— Тошкент Давлат маданият институтида.

— Қаерда, ким бўлиб ишлагансиз?

— Тошкент технология билим юртида ўқитувчи.

— Нималар ёзасиз? Ёзганларингиз чиқиб турадими?

— Мақолалар, ҳикоялар ёзаман. Газета-журналларда чиқиб туради. Ҳикоямга Неъмат Аминов "оқ йўл" тилаган.

Кейин Одил ака ойлавий аҳволим ҳақида сўраб-суриштиргач, тугмани босди. Эшикдан кўринган котибага:

— Ибрайимжон билан Маматқулни чақиринг, — деди.

Бироздан сўнг хонага бош муҳаррир ўринбосари Иброҳим Ғафуров билан масъул котиб Маматқул Ҳазратқулов кириб келишди.

— Бу бола билан гаплашдим. Қизиқиши яхши, иштиёқи бор. Ишлатиб кўринглар, агар ишлай олмаса жавобини беринглар. Буни иккита фарзанди бор экан. Бошқа бирор жойдан иш топар, - деди Одил ака гап тамом дегандай.

У киши билан бўлган қисқа суҳбат менинг тақдиримни узилкесил ҳал қилди. Дастлаб икки ойлик синов муддати билан таржимон лавозимига ишга олишди. Сўнгра мухбирлик лавозимига ўтказилдим. Орадан беш ой ўтиб, санъат бўлимига мудир бўлдим. Одил аканинг дуолари қутлуғ келган эди...

Аслида Одил Ёқубов билан 1977 йилда ёзувчи акамиз Ғаффор Ҳотамов туфайли танишганман. Ўшанда ўқиш билан бирга технология билим юртида ўқитувчилик қилардим. Бир якшанбада уч-тўрт талабани олиб Ғаффор ака раҳбарлигида Одил аканикига ҳашарга борганмиз. Куз пайти. Ҳовлидаги баланд ишкомда тилладай товланиб ҳусайни узумлар ғарқ пишган эди. Одил ака билан суҳбатимиз қизиб кетиб, узум билан бирга узумнинг сувидан бўлган нарсалардан ҳам жиндай-жиндай олганмиз. Ўша пайтда у кишининг "Диёнат" романи қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган, матбуотда қизғин муҳокамалар бўлаётган кезлар эди. Асар дастлаб "Шарқ юлдузи"да босилган пайтда таниш-билиш орқали босмахонадан роман терилган саҳифаларни яширинча олиб ўқиш бахтига муяссар бўлганман. Ҳали ранги қуримаган саҳифаларни оқ кўйлак ичига яшириб, майка ҳам, кўйлак ҳам қоп-қора бўлганини сезмасдан трамвайга чиқиб, ижарада турадиган уйгача борганман. Одамлар нуқул менга қарашаётганида ҳам ҳеч нарсани сезмаганман. Чунки хаёлим босмахона ҳиди уфуриб турган роман саҳифалари билан банд эди.

Шу боис, Одил ака билан роман ҳақидаги суҳбатимиз анча қизғин бўлган. Ишга кираётган пайтимда у киши танимади. Мен ҳам ўша учрашувни эслатмадим. Чунки орадан салкам етти йил ўтган эди...

Одил Ёқубов "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га бош муҳаррир бўлиб келганда, газета 40 минг нусха атрофида чоп этилган. Беш йил ичида салкам 800 минг нусхага етди. Бу жамоанинг машаққатли меҳнати, тинимсиз изланиш, ғайрат ва шижоатнинг юксак самараси эди. Одил аканинг бир ёнида таҳрир ишларини пухта биладиган атоқли адабиётшунос ва таржимон Иброҳим Ғафуров, бир ёнида саҳифалаш ишларини майда-чуйдасигача чуқур эгаллаган таниқли ижодкор Маматқул Ҳазратқулов ва талантли, фидойи журналистларнинг катта гуруҳи йиғилган эди. Одил ака таҳририятдаги ана шу йирик интеллектуал кучни бирлаштириб, газетани яхлит ижод устахонасига айлантиролди. Бир сўз билан айтганда, қисқа вақт ичида ўзбек матбуотида ўзига хос ва ўзига мос "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси мактаби яратилди. Бу мактабнинг раҳбари, шубҳасиз, Одил Ёқубов эди. У киши газетани халқнинг дилидаги гапларини, қувончу изтиробларини, ғаму шодликларини айта оладиган жасорат минбари, деб ҳисобларди. Ва ҳаммамизни унга доғ туширмасликка чақирарди. Ҳалол ва тўғри ишлашга даъват этарди. Шижоатдан сабоқ берарди.

Шу ўринда Одил аканинг заҳматкаш ўринбосари Иброҳим Ғафуровга кўпроқ суяниши, у билан доимо маслаҳатлашишини алоҳида таъкидламоқчиман. Шу боис газетага фақат Иброҳим Ғафуров имзо чекарди. Икки йирик ижодкорнинг ҳамфикр, ҳамкор ва ҳамжиҳатликда ишлаши газетанинг шуҳратини ошириб, юксалтириб юборди. "Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди", деган мақолнинг баъзан тескариси ҳам бўлиши мумкинлигини икки таниқли ижодкор исботлашди. Уларнинг эзгу фикрлари, куч-ғайрати, янгиликка интилиши ва изланиши ягона мақсад — газетани ҳар томонлама жозибали чиқаришга қаратилган эди. Газетанинг шуҳрати - икки теран талантнинг бир бутун бўлганлигидадир. Қолаверса, иккала устоз бирдек бизни ҳалолликка, дадилликка ўз шахсий ибратлари орқали ўргатишарди.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" чинакам фидойи ва миллатпарвар нашрга айланганини ҳали-ҳануз кўпчилик газетхонлар тан олишади. Қисқа қилиб айтиш мумкинки, собиқ шўро давридаги даҳшатли қатағон қурбонлари, тузумнинг оғир жароҳатлари, "ўзбеклар иши"даги туҳмат сиёсатнинг илдизларини рўй-рост очиб бериши, ўша даврда бирор-бир матбуот нашри "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"чалик жасорат билан хизмат қилмаган...

Одил ака ниҳоятда бағри кенг, ходимларга ижодий имкониятлар бериш билан бирга, турли мавзуларда ёзишни ҳам ўргатарди. Газетадаги оддий хабар, кичик лўқмадан тортиб, йирик мақолалар, суҳбатлар у кишининг назаридан четда қолмасди. У киши зийрак ва ҳушёр муҳаррир эди.

Одил аканинг кичик таҳрири билан мақоланинг ўзи ёки сарлавҳаси очилиб кетарди.

Қисқартириш санъатини бари бир Одил Ёқубовдан ўрганиш керак. Ҳатто бу ҳақда устозга бағишлаб шоир Саъдулла Ҳаким шеър ҳам ёзган. Унда шундай мисралар бор:

Мақола, ҳикоя ё шеър тайёрлаб

Қўйсангиз босмага шай, деб ўртага.

Устоз сўрардилар: "Неча қоғоз?

Ўн беш. Қисқартиринг, келсин ўнтага!.."

Одил акада ҳамиша қаламга олинмаган ғоя, фикр ва долзарб мавзулар сероб эди. Таҳририят ходимларидан кимлар қайси мавзуларни қандай ёза олишларини устоз яхши биларди. Лекин баъзида устозни ҳам чув тушириб кетган "шогирдлар" бўларди. Бунга унинг соддалиги, оққўнгиллиги, қалби тозалиги, ҳар кимга ишонувчанлиги, ўзи тўғри бўлгани учун бошқаларни ҳам тўғри деб билишлари сабаб бўларди.

У киши таҳририятнинг барча ходимларига нисбатан меҳрибон ва жонкуяр эди. Уларни ҳар доим ҳимоя қилиб, ёрдам бериб, қўллаб-қувватларди. Масалан, баъзан топшириқни ўз вақтида бажармаган ёки хатога йўл қўйган бирор-бир ходимга йиғилиш қилиб ҳайфсан берса, орадан уч-тўрт соат ўтгандан сўнг ўша ходимни чақириб, ҳайфсан ёзилган буйруқни йиртиб ташларди. "Бундай ишларни иккинчи такрорламанг-да, жон дўстим", деб танбеҳ берарди. Ёки ўзига яқинроқ ходим бўлса, "Қалай, бопладимми?", деб ёш болалардек мириқиб куларди.

Ҳар ҳафта пайшанба куни бош муҳаррирнинг хонасида келгуси ҳафта чиқадиган газетани режалаштириш бўларди. Қизғин тортишувлар билан тузилган режани, албатта, Одил ака: "Қайси бири ўқилади, қайси бири "мих" мақола, қайси бири иримига берилаётир", деб қайтадан кўриб чиқиб, жиддий тузатишлар киритарди. Ва газетанинг ҳар бир сонида "Куюнчак газетхондан хатлар" бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаб, ўзи шуғулланарди. Шу боис таҳририятга қоплаб хат келарди, десак муболаға бўлмайди. У кишининг яна бир одатлари бор эди: агар яхши мақола ё хабар келиб қолса, тайёр бўлган саҳифалардаги ўртачароқ нарсани олиб қолиб, ўрнига ўша — ўқиладиган мақолани қўйдирарди.

"Газета қизиб турган тандиргa ўхшайди. Ундан ҳамиша ҳушёр ва эҳтиёт бўлиш керак", деган иборани Одил ака тез-тез такрорлаб турарди. Қанчалик ҳушёр, қанчалик эҳтиёт бўлмайлик, гоҳида хатолар ўтиб кетарди. Хато эса турли идораларда турлича талқин қилинарди. Ўша турли идораларга турлича тушунтириш хатлари ёзиларди. Бир ҳафта-ўн кун таҳририятда таҳликали вазият ҳукм сурарди. Ҳамма ҳушёр, ҳамма эҳтиёткор бўлиб қоларди. Навбатчиликка қўшимча куч ташланарди.

Бир гал республика компартияси собиқ котибасининг фамилиясидан бир ҳарф тушиб қолибди. Нафасидан от ҳуркадиган опанинг мақоласи газетанинг биринчи саҳифасида берилган бўлиб, исм-фамилияси юқорида йирик қора ҳарфлар билан терилган эди. Бир қарашда сезилмаса-да, лекин синчиклаб ўқилса, дарҳол билинарди. Одил ака хато тафсилотларини тушунтириш учун котиба ҳузурига кирганида, у жаҳл билан паспортини олиб, столга ташлаб: "Фамилиямни ҳам ўзгартириб беринг!", деб дағдаға қилибди. Газета туфайли Одил Ёқубов бундай дағдағаларни кўп эшитган. Энг муҳими, бош муҳаррир бундай катта-кичик дағдағалардан чўчимай, танлаган йўлидан қайтмай газетани шижоат билан чиқара бошлади. Собиқ тоталитар тузумнинг мафкураси нақадар ёлғон ва пуч эканлигини теран тушуниб етган Одил Ёқубов ҳам, Иброҳим Ғафуров ҳам газетанинг ҳар бир сонида сохта мафкура ва унинг қатағонлари ҳақида бирор-бир мақола ё суҳбат беришга ҳаракат қиларди. Улар ўша йиллари бор ижодий кучларини, иқтидорларини асосан газетага сарфладилар, газетанинг ўқувчилар юрагига кириб боришига, қўлма-қўл бўлиб ўқилишига эришдилар. Газета ўша йиллари чинакам халқ минбарига айланган эди. Уни нафақат ижодкорлар, зиёлилар, балки барча соҳа кишилари — оддий касб эгалари ҳам бирдай завқ билан ўқишарди...

Бугун мустақил мамлакатимизнинг миллий матбуоти ривожига муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб таниқли ёзувчилар, публицистлар, журналистлар Одил Ёқубовнинг шогирдлари бўлганлиги билан фахрланадилар. Ва айни пайтда Одил ака ҳамон шогирдларига ўрнак бўлиб, янги-янги асарлар яратаётганидан ғурурланадилар.

Ўтган йили "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририятида Одил Ёқубовнинг турли йилларда ёзилган қиссалар, драмалар, ҳикоялар, этюдлар, мақолалардан иборат "Қайдасан Морико?", деб номланган сайланмаси босмадан чиқди.

Китобдан мустақиллик йилларида ёзилган "Қашқадарё гурунглари", "Замонамиз қаҳрамонлари", "Посбон ҳамюртларим" сингари ўткир публицистик мақолалар ҳам ўрин олган. Уларда асосан мустақиллик йилларида бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, Президентимиз раҳбарлигида ва бевосита у кишининг ташаббуси билан барча соҳаларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари жўшқинлик билан қаламга олинади.

Одил Ёқубовнинг собиқ СССР халқ депутатлари қурултойида сўзлаган нутқи катта шов-шувларга сабаб бўлгани ҳамон ёдимизда. Ушбу нутқ ҳақида теран ва чуқур мақола ёзган Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов шундай дейди: "Одил бутун ижоди давомида яратган катта-кичик асарларида, романлари ва қиссаларида адолатни куйлади, зулмни, ноҳақликни қоралади, бутун ҳаётни қоплаган қуюқ зулматнинг лоақал бир чеккасини ёритишга интилди. Шундоқ экан, қандай қилиб ўша асарларда ифодаланган халқ дардларини адиб минбарга олиб чиқмаслиги мумкин эди?.. Бу нутқ ўша кезларда бутун мамлакатни ларзага солди, ўзбек деҳқонининг аянчли аҳволига жаҳон жамоатчилиги эътиборини жалб қилди. Айни чоғда дўстимнинг нутқи ўзбек зиёлисининг мақомини ҳам хийла кўтарди, уни ҳуда-беҳуда таъналардан, қисман бўлсада, халос этди... Зиёли ўзини халқнинг узвий қисми, деб ҳисобламоғи, халққа қарши бўҳтонларни рад этмоғи, халқ маънавий бойлигининг посбони бўлмоғи лозим..."

Одил ака ҳар гал ғурур билан: "Ўша Москвада нутқ ирод қилганимда мени Президентимиз Ислом Каримов қўллаб турганлар, мадад берганлар, маъқуллаганлар. Адолат нуқтаи назаридан бу гапни яна бир бор айтиб ўтишни истайман", дейди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, оташин публицист, жасоратли муҳаррир, соддадил устоз Одил Ёқубов ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ушбу кузатишларни мухтасар этиб, айтмоқчиманки, бу улкан адиб истеъдодини фавқулодда шижоати, ростгўй ва тўғрисўзлиги билан қорлар, шамоллар, ёмғирлар емиролмаган тоғнинг метин қоясига қиёслаш мумкин. Қояни эса эгиб бўлмайди. Устозга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб, у кишидан янги-янги асарлар кутиб қоламиз.

Ашурали ЖЎРАЕВ

«Hayot shunisi bilan qiziqki, tushlar rostga aylanadi», — o'yladi Santyago osmonga ko'z tashlab qo'yib, qadamini tezlatarkan.

Пауло КОЭЛО — **Роман**

АЛКИМЁГАР

(Давоми. Боши газетамизнинг шу йилги 17-сонида)

— Чўпонлар китоб ўқиши шарт эмас: қўйлар ҳар қандай китобдан ҳам кўпроқ нарсага ўргатади, — жавоб қилди унга Сантяго.

Шу зайл, гап гапга қовушиб, улар роса икки соат мириқиб суҳбатлашди. Қизалоқ дўкондорга қиз бўлишини, ҳаёти зерикарли, кунлари худди икки томчи сувдай бир хиллигини айтди. Сантяго эса унга Андалусия яйловлари ҳақида, йўлининг устидаги катта шаҳарлар ҳақида эшитганларини гапириб берди. Қиз билан суҳбат қурганидан унинг кайфи чоғ бўлди — ахир, бу қўйлар билан гаплашгандан яхши-да.

— Сен ўқишни қаерда ўргангансан, — сўради қиз.

— Ҳамма қаерда ўрганса, ўша жойда-да, — жавоб қилди бўз бола. — Мактабда.

— Нега энди, саводинг бўлсаям, қўй боқиб юрибсан?

Жавоб ўрнига Сантяго бошқа нарса ҳақида гапирди: қиз уни барибир тушунмаслигига ишончи комил эди. У қизга ўзининг жаҳонгашталигидан гапирди, қизнинг маврларникига ўхшаган кўзлари гоҳ мошдай очилса, гоҳ ҳайратдан қисилиб кетарди. Вақт билинмай ўтар, Сантяго ичида бу куннинг тугамаслигини, савдогарнинг дўконига одам ёғилишини ва қўйларни қирқтириш баҳонасида уч-тўрт кун шу ерда қолиб кетишини хоҳларди. Ҳеч қачон ҳозиргидай ҳолатни туймаган эди; унинг шу ерда умрбод қолгиси келди. Бу қорасоч қиз билан кунлари сира ҳам икки томчи сувдай бир хил кечмаслиги аниқ эди.

Бироқ шу пайт қизнинг отаси дўкондан чиқиб келди ва сурувни оралаб, қирқиш учун тўртта қўйни ажратиб олди. Кейин келишилганидай ҳақ тўлади ва деди:

— Энди бир йилдан кейин кел.

* * *

Мана, ниҳоят белгиланган муддатгача бор-йўғи тўрт кун қолди. Бўз бола учрашишни ўйлаб қувонар ва айни чоғда кўнгли хижил тортарди: бордию қиз уни ёдидан чиқариб юборган бўлса-чи? Ахир, уларнинг шаҳарчаси ёнидан қўй ҳайдаб ўтадиган чўпонлар сон мингта.

— Бўлганича бўлар, — деди у қўйларига. — Унчалик аҳамияти йўқ. Бошқа шаҳарларда ҳам қизлар тўлиб ётибди.

Бироқ у кўнглининг туб-тубида бунинг аҳамияти чиндан ҳам жуда катта эканини ҳис этиб турарди. Чўпонларда ҳам, денгизчию жаҳонгашта савдогарларда ҳам доим интиқ бўлиб, соғиниб яшайдиган бир шаҳри бўлади ва у ерда, озод қушдай дунё кезиш бахтидан воз кечишга арзийдиган ҳурлиқо яшайди.

Кун ёришиб кетди, Сантяго отарини қуёш кўтарилиб келаётган тарафга ҳайдади.

«Қўйларга осон, — ўйлади у, — ҳеч қандай ташвиши йўқ. Эҳтимол, шунинг учун уларнинг мендан ажралгиси келмас».

Аслида уларга ҳеч нарсанинг кераги йўқ — сув бўлса, туёқлари тагида ўт-ўлан бўлса бас. Сантяго Андалусиянинг қаерларида серўт яйловлар борлигини билса бўлгани, қўйлар унга содиқ ҳамроҳ бўлиб, эргашиб юраверади. Майлига, кунлари бир зайлда ўтаверсин, улар тириклигида бирорта ҳам китоб ўқимаса ўқимас, одамларнинг шаҳарларда, қишлоқларда бирбирларига янгиликларни етказадиган тилини улар тушунмаса ҳам майлига — барибир улар ўзларича бахтли, сув ва емишга зориқмаса бўлгани. Булар эвазига қўйлар саҳийлик билан ўз жунини, наслини ва вақти-вақти билан гўштини одамларга беради.

«Агар бугун мен йиртқич ҳайвонга айланиб, уларга бир бошдан қирон солсам, отарнинг ярмидан кўпини нобуд қилганимдан кейингина улар нима бўлаётганини тушуниб етади, — ўйлади Сантяго. — Улар менга ўз инстинктларидан кўра ортиқроқ ишонади, чунки фақат мен уларни қорин тўйғазадиган жойга олиб бораман».

У бугун миясига келаётган ғалати ўйлардан ҳайрон бўлди. Эҳтимол, қарғиш теккан, нақд меҳробидан тутанжир ўсиб чиққан хароба черковда тунаб қолгани учун шундай бўлаётгандир? Уйқусида олдин кўрган бир тушни кўрди, мана, энди содиқ ҳамроҳларига тиш қайраяпти. У кечки овқатдан қолган винодан бир қултум ютди ва камзулига яхшилаб бурканиб олди. Яна бир неча соатдан кейин қуёш чош тепага келади, жазирама авжига миниб, сурувни яйдоқ далада ҳайдашнинг иложи бўлмай қолади. Бу паллада бутун Испания мудрайди. Кечга борибгина ҳавонинг ҳовури бироз тушади, шунгача кун бўйи елкасида оғир камзулни кўтариб юриши керак. Бошқа иложи ҳам йўқ-да: саҳарги салқиндан айни шу камзул жонни асрайди.

«Об-ҳавонинг инжиқликларига шай турган маъқул», — ўйлади Сантяго камзулига ташаккур билдириб, унинг оғир ва иссиқлигидан мамнун бўлиб. Аслида ҳам, камзулнинг ўз вазифаси бўлганидай, Сантягонинг ҳам ўз қисмати бор. Унинг пешонасига ёзилгани — дашту дала кезиш. Икки йил мобайнида у Андалусиянинг ясси тоғларию яйдоқ далаларини изғиб, қанча шаҳар ва қишлоқларни кўрди. Сантяго мовутчининг қизига, ўзи оддий чўпон эса-да, қандай қилиб саводхон бўлиб олганини тушунтиришга чоғланди.

Гап шунда эдики, у ўн олти ёшга тўлгунча диний мактабда ўқиди. Ота-онаси унинг руҳоний бўлишини — оддий қишлоқ оиласининг фахрига айланишини орзу қилишарди. Уларнинг тирикчилиги қийин кечар, тиним билмай қилган меҳнатлари, худди қўйлар сингари, қорин тўйғазишдан бошқага ортмасди.

Сантяго диний мактабда лотинчани, испанча ва диншуносликни ўрганди. Бироқ гўдаклигидаёқ унда дунёни кўришга иштиёқ кучли эди, бу туйғу Тангрини англаш ёки инсоният гуноҳларини миридан-сиригача билиб олишдан устун келди. Ва бир куни ота-онасини кўргани келганида, у юрак ютиб, мен руҳоний бўлишни хоҳламайман, деди. У юрт кезишни хоҳлади.

— Ўғлим, — деди бу гапига жавобан отаси, — бизнинг қишлоғимизга кимлар келиб кетмади. Бутун дунёдан одамлар бу ерга бирор-бир янгилик топармиканман, деб келишади, бироқ қандай келишса шундай қайтиб кетишади. Улар тоққа чиқишади, кўҳна қасрни кўраман деб ва ўтмишнинг ҳозирги замондан афзал бўлганига гувоҳ бўлишади. Уларнинг, эҳтимол, сочлари оқдир ёки қора танлидир улар, бироқ бизнинг ҳамқишлоқлардан ҳеч бир ортиқ жойи йўқ.

— Бироқ мен билмайман-ку, у ёқларда, улар туғилган ўлкаларда қанақа қасрлар борлигини, — эътироз билдирди Сантяго.

— Бу одамлар бизнинг еримизни, бизнинг аёлларимизни кўришганда, бу ерда умрбод қолгимиз келади, деб гапиришади, — давом этди ота.

— Мен эса бошқа ерларни кўришни, бошқа аёлларга қарашни хоҳлайман. Ахир, бу одамлар ҳеч қачон бизнинг қишлоқда қолиб кетишмайди-ку.

— Юрт кезиш учун кўп пул керак, болам. Бизда муқим бир жойда яшамайдиганлар фақат чўпонлар, холос.

— Илож қанча, демак, чўпон бўламан, — деди Сантяго.

Ота ҳеч нимғ демади, эртаҳлаб унга учта қадимги тилла танга солинган ҳамённи тутқазди:

— Бир кун даладан топиб олгандим. Осмондан тушган деса ҳам бўлаверади. Ўзингга бир отар қўй сотиб ол ва юрт кезиб мол боқиб юравер, қачонки, дунёда бизнинг қасримиздай энг зўр қаср ва бизнинг аёлларимиздай гўзал аёл йўқлигини тушунсанг, бир кун қайтарсан.

Ўғлини тангрига топшириб фотиҳа бераётганда, Сантяго унинг кўзларига қараб, қариб қолганига, муқим ҳаётнинг ҳузур-ҳаловати: еб-ичиши етарли ва бошида капаси борлигидан қониқиш ҳосил қилиб, ўзини хотиржам тутишига қарамай, отасининг кўнглида юрт ошиб, эл кезиб юриш иштиёқи сўнмаганини пайқади.

Уфқда осмон қирмизи тусга кирди, сўнг қуёш ботди. Отасининг гапларини эслаб кулимсиради: у кўплаб қасрларни ва кўплаб гўзалларни кўришга улгурди, дарвоқе, улар орасида тенги йўқ бир ҳурлиқо билан икки кундан кейин тағин учрашади. Унинг бир отар қўйи бор, эгнида камзули бор, китоби бор, китобни хоҳлаган пайтда бошқасига алмаштирса бўлади. Муҳими — унинг энг азиз орзуси амалга ошаётир: даштудала кезиб, сафар қилиб юрибди. Андалусиянинг қир-адирлари зериктирса, хоҳлаган пайтда қўйларни сотиб, денгизчи бўлиши мумкин. Агар денгизда сузиш жонига тегса, бу пайтга келиб у бошқа шаҳарларни билиб, бошқа аёллар билан танишиб олади, бахтли бўлишнинг бошқача йўлларини топади.

«Билмадим, диний мактабда Тангрини қандай топардим», — ўйлади Сантяго кўтарилиб келаётган қуёшга қараб.

Ўзининг сафарларида у доим номаълум йўллардан юришни маъқул кўрарди. Бу черковда ҳали бирор марта тунашга тўғри келмаган, гарчи бу ўлкаларда тез-тез бўлиб турса-да. Дунё кенг, чеку чегараси йўқ ва Сантяго озроқ вақт қўйларни ўз майлига қўйиб берса, албатта, қандайдир қизиқ нарсага дуч келарди. Фақат қўйлар ҳар куни янги йўлларни топишаётганини, яйловлар ва йил фасллари ўзгараётганини тушунмайди: уларнинг миясида фақат қорин тўйғазиш эҳтиёжи бор, холос.

«Эҳтимол, биз ҳам шунақадирмиз, — ўйлади чўпон. — Ахир, мен ўзим ҳам мовутчининг қизи билан танишганимдан кейин хаёлим бирор марта ҳам бошқа аёлларга кетмади-ку».

У осмонга қаради, чамалади, пешинга қолмай Тарифда бўлади. У ерда китобни бошқасига, қалинроғига алмаштириб олса, сувдонини винога тўлдириб, соч-соқолини олдирса, мовутчининг қизи билан учрашувга шай бўлади. У бошқа бир чўпон қизни илиб кетган бўлса-чи, деган хаёлга бормасликка уринди.

«Ҳаёт шуниси билан қизиқки, тушлар ростга айланади», ўйлади Сантяго осмонга кўз ташлаб қўйиб, қадамини тезлатаркан.

У Тарифда тушни таъбирлайдиган кампир яшашини эслади. Қани айтсин-чи, икки марта кўрган бир тушнинг таъбири қанақа бўларкан.

Кампир меҳмонни орқа тарафдаги ошхонадан турли рангдаги пластмасса мунчоқлар шодасидан ясалган парда билан ажратилган хонага йўллади. Хонада стол ва иккита стул бор, деворда Масиҳ юраги тасвири туширилган сурат илинган.

Уй бекаси Сантягони ўтқазди, ўзи унинг қаршисига ўтириб, икки қўлидан ушлади ва паст овозда дуо ўқиди.

Афтидан бу лўлилар ўқийдиган дуо эди. Чўпон болага лўлилар тез-тез учраб турарди — улар ҳам, гарчи қўй боқишмаса-да, дунё кезиб юришарди. Одамлар уларни ёлғон-яшиқ айтиб кун кечиради, гуноҳга ботиб яшайди, болаларни ўғирлаб кетади ва бу болалар кейинчалик уларнинг таборларининг асирига айланиб қолади, дейишади. Сантяго гўдаклигида лўлилар ўғирлаб кетишидан ўлгудай қўрқарди, ҳозир лўли кампир қўлларидан ушлаганда вужудида ўша қўрқув уйғонди.

«Ахир, бу ерда табаррук Масиҳ юраги бор-ку», — ўйлади у хотиржам бўлишга ва титроғини босишга уриниб. Лўли кампир буни сезиб қолишини хоҳламасди. Содиқлигини таъкидламоқчи бўлиб ичида дуо ўқиди.

— Жуда қизиқ, — кафтидаги чизиқлардан кўзини узмай минғирлади кампир ва яна сукут сақлаб турди.

Бўз бола баттар безовталанди. Титроқ энди қўлларига кўчди ва у қўлларини шошиб тортиб олди.

— Мен сенинг олдингга қўлларимга қараб фол оч деб келганим йўқ, — деди у лўлининг уйига қадам босганига афсусланиб: яхшиси, ҳақини тўлаб, тезроқ жуфтакни ростласаммикан. Шуям гап бўлдими, аллақандай тушни икки марта кўрган бўлса кўрибди-да.

— Биламан. Сен кўрган тушингнинг таъбирини айтиб беришимни сўраяпсан, — деди лўли. — Тушлар — бу Тангри биз билан гаплашадиган тил. Модомики, бу дунёдаги бор тиллардан бири экан, бу тилдан мен таржима қила оламан. Бироқ Тангри сенга қалбинг тилида мурожаат қилган экан, унинг айтганлари фақат ёлғиз сенгагина тушунарли бўлади. Шуниси ҳам борки, сен маслаҳат олиш учун келган экансан, мен сендан барибир пул оламан.

«Афтидан, илиндим», — ўйлади Сантяго, бироқ чекинишнинг энди иложи йўқ. Журъат чўпон учун — одатдаги ҳол: бирида сурувга бўри оралайди, бирида қурғоқчилик рўй беради. Журъат унинг ҳаётини қизиқарли қилади.

— Мен икки марта бир тушни кўрдим, — деди у. — Тушимда мен ўтлоқда қўйларимни боқиб юрибман, шу пайт гўдак пайдо бўлди, у қўйлар билан ўйнагиси келди. Бировнинг қўйларимга яқинлашишини ёмон кўраман, улар бегонадан ҳуркади. Фақат болаларни қўрқмай яқинига йўлатади, нега ундайлигини билмайман. Қўйлар болаларнинг ёшини қандай пайқашини тушунмайман.

— Кўрган тушингни айт, — кампир унинг сўзини бўлди, — ана, қозоним оловда турибди. Сенинг пулинг кўп эмас, менинг вақтим қиммат туради.

— Бола ҳадеб қўйлар билан ўйнади, — Сантяго бироз ийманиб давом этди, — кейин туйқусдан мени қўлида кўтарди-да, Миср эҳромларига элтиб қўйди.

У бироз секинлаб, бу лўли кампир эҳром нималигини билармикан, деган шубҳага борди.

— Миср эҳромларига элтди, — такрорлади у оҳиста ва донадона қилиб, — у ерда менга: «Агар яна бу ерга келиб қолсанг, бекитилган хазинани излаб топасан», деди. Ва энди менга хазина қаерда ётганини уқтирмоқчи бўлганида уйғониб кетдим. Иккинчи марта ҳам бу туш худди шундай — ҳеч ўзгаришсиз қайтарилди.

Лўли кампир узоқ жим қолди, кейин яна Сантягонинг қўлларидан ушлади ва кафтига синчиклаб диққат билан қаради.

— Ҳозирча мен сендан ҳақ олмайман, — деди кампир ниҳоят. — Бироқ агар хазинани топсанг, ўндан бири меники.

Бўз бола севинганидан кулиб юборди, тушига кирган хазина унинг фолбинга берадиган арзимас чақаларини асраб қолди. Бу кампир чиндан ҳам лўли: Лўлиларнинг бир қайнови ичида, дейишади.

— Бўлақол, тушимнинг таъбирини айт, — сўради у.

— Олдин қасам ич. Хазинанинг ўндан бирини менга бераман, деб қасам ич, кейин таъбирини айтаман.

Қасам ичишига тўғри келди. Бироқ кампир Муқаддас Масиҳ юраги тасвирига қараб қасамни такрорлашини талаб қилди.

(Давоми бор)

УЛАРНИ ЕВРОПАДА БИЛИШАДИ

Дания қироличаси Маргретте II-қутлови ва совғасини олган мактаб

Сарлавҳани ўқиб, республикамизда шундай мактаб бормикан, деган хаёлга боришингиз табиий. Ҳа, бор! Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 5-умумтаълим мактабининг "Евроклуб" аъзолари ва унинг ташкилотчилари 2001 йилнинг июлида Дания қироличаси Маргретте II зоти олияларининг қизғин миннатдорчилиги ва совғаларига мушарраф бўлганлар.

Бу ҳақда Даниянинг Москвадаги элчихонаси ходими Андерс Хоугорд томонидан мактаб "Евроклуб"и раҳбари Муҳаммаджон Мирзаев номига юборилган хат фикримизга ишончли далилдир. Унда шундай дейилади: ***"Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 5-мактабнинг ёшлар "Евроклуб"и раиси жаноб Муҳаммаджон Мирзаевга.***

Зоти олиялари — Дания қироличаси Маргретте II саройи томонидан Даниянинг Москвадаги қироллик элчихонасига қиролича Маргретте II номларига юборилган самимий қутловлар учун 5-мактабнинг ёшлар "Евроклуб"ига қизғин миннатдорчилик изҳор этиш сўралганлигини маълум қиламиз.

Ҳурмат билан Андерс Хоугорд, Даниянинг Москвадаги элчихонаси..."

ИЛК ҚАДАМЛАР: ШАКЛЛАНИШ

Мактабда "Евроклуб" ташкил этиш ғояси ўқитувчи Мирзаевда география дарсларини ўтиш кезларида шаклланди. Европа давлатлари дунё мамлакатлари орасида ҳар тарафлама энг тараққий топган ҳисобланади. Қитъанинг иқтисодий географиясини ўрганишга ўқув дастурида кам соатлар ажратилган. Қолаверса, ўқувчиларда Европага нисбатан қизиқиш анча кучли. Шу боис, М.Мирзаев дарсдан ташқари вақтларда Европа мамлакатларига доир маълумотларни кенг ва чуқурроқ ўргатиш мақсадида гуруҳ ташкил этиш зарур, деган фикрга келди.

—Клуб ташкил этиш ишларини асосан 2000 йилнинг сентябридан бошлаганмиз, — дейди биз билан суҳбатда М.Мирзаев. — Аввало "Евроклуб" бажарадиган ишларни, унинг болалар дунёсига, тарбиясига таъсирини аниқлаб чиқдим. Сўнг мақсадимни мактаб раҳбариятига айтдим. Улар мени қўллаб-қувватлашди. Болаларни эса клуб аъзоси бўлишга даъват қилдим. Сал ўтмай, 20 аъзодан иборат "Евроклуб" шаклланди.

ЕВРОКЛУБ — ЖАМОА БЎЛИБ ИШЛАШ ДЕМАКДИР

Ҳар ўқув йили бошида клубнинг йиллик иш режаси тузилади. Унда асосан Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг тарихи, давлат тузилиши,сиёсати, маданияти, иқтисоди, географияси, халқларининг урф-одатлари, миллий анъаналари каби кўплаб масалаларни чуқур ўрганиш ва шу асосда фестиваллар, илмий конференциялар, кечалар, учрашувлар ташкил этишга эътибор берилади.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ўқувчилар туман марказий кутубхонасида турли хорижий ва республикамиз матбуот нашрларида чоп этилган материалларни ўрганадилар. 15 та Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг байроқларини ясайдилар. Белгиланган мавзу доирасида рефератлар, суратли альбомлар тузадилар. Барча қилинаётган ишлар фестивал доирасида амалга оширилади. Жумладан, жорий йил бошида "Евроклуб" томонидан, "Инсон ва замин" деб номланган экологик фестивал ўтказилиши эълон қилинди. Фестивал ишлари аллақачон бошланган бўлиб, у апрель ойи бошларида якунланади.

Унда қуйидаги тадбирларнинг ўтказилиши кўзда тутилган:

—Европа таомлари танлови.

—Миллий урф-одатлар танлови.

—Расмлар танлови.

—Ижодий ишлар кўргазмаси.

—Экология мавзусидаги рефератлар танлови.

—Деворий газеталар кўргазмаси.

—Турли мавзулардаги бадиий композицион чиқишлар.

—Учрашув, илмий анжуманлар ва бошқалар.

—Евроклуб аъзоларининг амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовор, — дейди мактаб директори Холсара опа Мадалиева. —Ўқувчиларимизнинг бўш вақти бўлмайди. Барчанинг ўзига яраша иши бор. Бир қарасанг, инглизлар ҳаётига доир ишлар бошланиб кетади, бир қарасанг, голландларнинг байроқчалари, урф-одатлари диққатингни тортади. Очиғи ўзимиз ҳам кўп нарсани клуб аъзоларидан билиб оламиз. Ҳавасим келади уларга.

— Бизни Европада танишади, — деб давом этади Муҳаммаджон Мирзаев ғурур ва ифтихор билан. — Клубимиз фаолиятидан Европадаги ўндан ортиқ давлатларнинг тегишли ташкилотлари хабардор. Биз улар билан хат орқали алоқада бўлиб турамиз. Бугунгача Европанинг 9 та давлатига, Европа Иттифоқининг Москвадаги қароргоҳига, Тошкентдаги Бельгия консуллигига хатлар юборилиб, тегишли жавоблар олинган. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар вакиллари ўз жавоб мактубларида ишларимизни қўллаб-қувватладилар:

Норвегиянинг қироллик элчихонаси, Москва.

Ўзбекистон, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, 5-мактаб Ёшлар клуби раисига

Ҳурматли жаноб Мирзаев!

Сизнинг клубингиз Норвегия билан қизиқишидан ғоят хурсандмиз. Сиз учун материални илова қилиб юборяпмиз, ўйлаймизки, у сизда қизиқиш уйғотади. Шунингдек, эътиборингизни интернетдаги сайтимизнинг адресига қаратмоқчимиз: www.norvegia.ru Сизда интернетга боғланиш имкони бўлса, ушбу сайтдан қўшимча ахборотлар олишингиз мумкин.

Ҳурмат билан Ян Рогер Нилсен, таржимон-атташе.

ХУЛОСА

"Евроклуб" фаолияти билан танишиш, жараёнида шундай хулосага келдик. Клуб фаолияти мазмун-мақсадига кўра янги ҳодиса. У ёш авлодни ижодкорликка, мустақил фаолият кўрсатишга ўргатади. Ўқувчиларнинг муайян фаолият билан доимо банд бўлишлари таъминланади. Излаш, чизиш, буюмлар тайёрлаш жараёнида билимлар бойитилади ва уни чуқур англаб етишга шароит яратилади. Ижодий меҳнат қилиш жараёнида болаларнинг ақли, зеҳни ўсади. Ўқувчида шиддат билан ривожланиб бораётган дунёни тез таниш, ўз ҳаётида ҳам шундай ўсувни таъминлашга иштиёқ, ҳавас ҳосил қилади.

Баҳодиржон ШОКИРОВ, "Устоз" газетаси бош муҳаррири Фарғона

Ibrat

ВЕТО ҲУҚУҚИ ТАЪСИР ЭТАДИМИ?

АҚШ президенти Жорж Буш журналистлар билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида Саддам Ҳусайн ўз хоҳиши билан қуролсизланишни хоҳламаяпти, дея айтган. Унинг билдиришича, қуролсизлантириш куч ишлатишгача бориб етса, Қўшма Штатлар Франция, Германия ва бошқа шундай кайфиятдаги давлатлар ёрдамисиз ҳам унинг уддасидан чиқа олади.

Вашингтоннинг иттифоқдоши бўлган Лондон ҳам уруш бошлаш кераклигини таъкидлаган. Бу борада Британия Бош вазири Тони Блэр муносабат билдирган бўлиб, унинг фикрича, таклиф этилган 2-резолюцияга нисбатан БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо давлатлардан бирортаси ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланган тақдирда ҳам, ҳарбий кампанияни бошлаш лозим.

Эслатиб ўтамиз, Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатларнинг бирортаси вето ҳуқуқидан фойдаланса, қабул қилинаётган резолюция тўхтатиб қўйилади.

ХИТОЙ КУЧ ИШЛАТИШГА ҚАРШИ

Янги сайланган Хитой ҳукумати Ироқ масаласи юзасидан Франция, Германия ва Россия томонидан ишлаб чиқилган резолюцияни қўллаб-қувватлашини билдирди. Бу ҳолда БМТнинг доимий 5 аъзосидан Париж, Москва, Пекин қарашлари бир хил, яъни урушга қарши эканликлари англашилади.

Куни кеча эса Россия, Франция, Германия ташқи ишлар вазирлари Америка, Британия, Испания томонидан ишлаб чиқилган куч ишлатиш имконини берувчи резолюцияни қўллаб-қувватланишига йўл қўйилмаслиги лозимлигини билдиришган. Жумладан, Франция ташқи ишлар вазири Доминик де Вилльпен Ироқ урушининг олдини олиш учун Москва ҳамда Париж барча масъулиятни ўз зиммаларига олади, дея айтган. Вашингтон ҳамда Лондон эса ўз резолюцияларини тасдиқлатиш учун 15 та давлатнинг камида 9 тасининг розилигини олиши керак.

"БОИНГ" ФОЖЕАСИ

"France Presse" агентлигининг хабар беришича, Жазоир жанубида "Air Algerie" компаниясига қарашли "Boeing-737-200" самолёти ҳалокатга учради. Жазоир пойтахтидан 2000 км. узоқликда жойлашган Таман-Рассет аэропортидан кўтарилган аэробус орадан бир неча дақиқа ўтаб Саҳрои кабир чўлларига қулаб тушган. Кўрганларнинг гувоҳлик беришларича, учиш-йўлагидан кўтарилиш вақтида самолёт моторларидан бирида ёнғин юз берган ва лайнер аэропортдан 600 метрлар узоқликда қулаб тушган. Фожиа туфайли "Boing" бортидаги 103 кишининг фақат бир нафаригина тирик қолган. Ҳозирда ҳалокат туфайли оғир аҳволга тушган марҳумларнинг қариндошларига Жазоир аэропортида руҳшунослар гуруҳи хизмат кўрсатмоқда. "Air Algerie" компанияси матбуот котиби Ҳамид Ҳамдининг билдиришича, фожеага самолётнинг техник носозликлари сабаб бўлиши мумкин.

ҒАЗОДАГИ ТЎҚНАШУВЛАР

Хайфа шаҳрида юз берган террор актидан сўнг Исроил қўшинлари Иудеи ва Самари туманларига кириш йўлларини фаластинликлар учун ёпиб қўйдилар. Негаки, ушбу террор туфайли 15 нафар исроиллик ҳалок бўлди. Ғазо секторидаги фаластинлик қочоқларнинг Жабалия лагерида ўтказилган операция чоғида "ХАМАС" ташкилоти етакчиларидан саналмиш Абдул Карим Зиёд ҳибсга олинган. Унинг уйидан эса катта миқдорда қурол-яроғ топилгани боис, уйи портлатиб юборилган. Лекин, шундан сўнгроқ ушбу уй яқинига одамлар келишган вақтда яна бир кучли портлаш юз бериб, 8 нафар фаластинлик ҳалок бўлди. Исроил ҳарбий экспертларининг фикрича, унга портламай қолган қурилманинг ишлаб кетгани сабаб бўлган.



Исроил мудофаа вазири террор актларининг олдини олиш йўлида бундай операциялар давом эттирилишини айтган.

ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

CNN агентлигининг хабар беришича, Америка ва Покистон махсус хизматлари Покистоннинг шимолий-ғарбий қисмида Усама бин Лоденни қидириш ишларини олиб бормоқдалар. АҚШ ҳарбийларининг билдиришларича, Вазиристон, Белужистон каби Афғонистон билан чегарадош вилоятларда махсус операциялар ўтказилмоқда. Куни кечаги рейдлар вақтида 9 нафар "Ал-Қоида" жангарилари ҳибсга олинган. Эътиборлиси, "Ал-Қоида" раҳбарларидан саналган Холид шайх Муҳаммаднинг қўлга олиниши антитеррор кампания вақтидаги энг катта ютуқлардан бири саналмоқда. Чунки, у ушбу террорчи ташкилотда мувофиқлаштирувчи сифатида иш олиб борган. Шу боис, шайх Муҳаммаддан кўпгина қимматли маълумотлар олиниши мумкин.

КАСТРО ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИДА ҚОЛДИ

Кубанинг олий органи ҳисобланган Давлат Кенгаши раислигини яна 5 йил давомида Фидель Кастро бошқарадиган бўлди. Бунинг учун Куба миллий ассамблеясининг навбатдаги сессиясида 601 нафар депутатнинг барчаси бир овоздан ҳайрихоҳлик билдиришган. 1976 йилдан бери Давлат Кенгашига Фидель Кастро бошчилик қилиб келаётган бўлиб, унинг маъмурияти 31 нафар юқори мартабали кишилардан иборат. Парламентда нутқ сўзлаган Кастро жаноблари АҚШ — Куба муносабатларига тўхталиб, Американинг Гаванада ваколатхонасини ташкил этмасдан ҳам, икки ўртадаги алоқаларни ривожлантириш мумкинлигини таъкидлаган.

"Интернет" тармоғидан олинди.

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ўртасида республика кўрик-танлови ўтказилади

Касб-ҳунар таълимини кенг тарғибот қилиш, ўқувчиларнинг касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини, билим савиясини, танлаган касблари бўйича меҳнат бозорига тайёргарлик салоҳиятини янада ошириш, иқтидорли-истеъдодли ўқувчиларга кенг имкониятлар яратиб, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзавтосаноат» Давлат уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси, Республика Бадиий академияси, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика махсус ижодий ишлаб чиқариш «Усто» бирлашмаси, «Ҳунарманд» уюшмалари каби ҳомий ташкилот, муассаса ва корхоналар билан ҳамкорликда 2002-2003 ўқув йили учун «Энг иқтидорли ўқувчи» кўрик-танловини ўтказишни эълон қилади.

Кўрик-танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилди:

1. Халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилик соҳаси (бадиий миллий кийим ва буюмлар тайёрлаш, зардўзлик, заргарлик, дурадгорлик, ўймакорлик, нақкошлик, кулолчилик).

2. Саноат соҳаси (машинасозлик, автомобилсозлик, энергетика, геология ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш).

3. Алоқа соҳаси (радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение жиҳозларига хизмат кўрсатиш ҳамда улардан фойдаланиш).

Кўрик-танловда ўқувчилар конструктив лойиҳалаш, ихтирочилик ва техникавий ижодиёт бўйича ўзлари ясаган оригинал қурилмалари, макетлари ва моделлари билан иштирок этадилар.

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич — таълим муассасаларида 2003 йил март-апрел ойларида, иккинчи босқич ҳудуд (вилоят, шаҳар) миқёсида 2003 йил май, июн ойларида, учинчи босқич эса —Республика миқёсида 2003 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Республика миқёсида ғолиб ўқувчилар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ҳомий ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг махсус қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

Танлаган касбини эъзозлайдиган, билимли, зукко, иқтидорли-истеъдодли ва моҳир ўқувчиларни ушбу кўрик-танловда фаол иштирок этишга таклиф этамиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5.
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими марказининг касб-ҳунар коллежлари бошқармаси.
Телефонлар: 139-10-22, 139-13-64, Факс: 139-13-29, e mail: kollejlar@markaz.infonet.uz

Муҳтарам юртдошлар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

Жисмоний ва юридик шахсларга «СВИФТ» халқаро тўлов тизими орқали пул маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига зудлик билан етказиб бериш ва қабул қилиб олиш хизматини таклиф этади.

МИЖОЗЛАРГА ЯНГИ «НАВРЎЗ СОВҒАСИ» — ҚИСҚА МУДДАТЛИ, ЮТУҚЛИ ОМОНАТ ТУРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, камида 3000 (уч минг) сўм қабул қилиниб, йиллик 30% миқдорида даромад тўланади.

Барча турдаги ўтказмалар энг арзон тариф асосида амалга оширилади.

Сиз омонатингизга ҳисобланган фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда 1000000 сўм ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эгасиз.

Сиз пул ўтказмаларингизни Халқ банкининг барча бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

«Наврўз совғаси» омонатига пул маблағлари жорий йилнинг 10 мартига қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2003 йилнинг 19-мартида Фарғона шаҳрида ўтказилади.

Омонатга пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлим ва шахобчалари орқали қабул қилинади.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

"Ўзбекистон" спорт мажмуида бўлиб ўтган "Мустақиллик кубоги" баҳсларида эркин ва юнон-рум курашчиларимиз 5 та олтин, 4 та кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Россиядан сўнг 2-ўринни эгалладилар. Жумладан, эркин кураш бўйича ҳамюртимиз Дилшод Мансуров финалда (55 кг) америкалик Аббас Стефен устидан ғалабага эришган бўлса, яна бир курашчимиз Савриддин Наврўзов юнон-рум кураши бўйича қирғизистонлик Ўран Халилов устидан 6:1 ҳисобида муваффақият қозонди.

60 кг.ли эркин курашчилар ўртасида россиялик Кам Устархановга тенг келадигани топилмади. Юнон-рум курашчиларимиздан эса Дилшод Ориповга олтин медаль насиб этди. Америкадан келган Боно Крис ҳам 66 кг.гача бўлган эркин курашчилар баҳсларида пешқадамлик қилди. Шунингдек, вакилларимиздан Алексей Чегляков (96 кг), Артур Таймазовлар (120 кг.) ҳам турнир ғолиблари дея эътироф этилдилар.

БАРКАМОЛ АВЛОД ЎЙИНЛАРИ

Айни пайтда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқув муассасалари талабалари ўртасида "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги туризм ва маиший хизмат коллежи спорт мажмуида қўл тўпи бўйича вилоят босқичи ниҳоясига етди. Муросасиз ва қизғин баҳсларда мазкур коллеж болалари биринчи ўринни эгаллашган бўлса, қизлар ўртасида Самарқанд темир йўл транспорти жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Ҳам қизлар, ҳам ўғил болалар ўртасидаги иккинчи ва учинчи ўринлар эса Самарқанд II ҳамда Каттақўрғон педагогика коллежлари жамоаларига насиб этди.

ГУРУҲ БАҲСЛАРИ БОШЛАНАДИ

Эртага "Пахтакор" марказий ўйингоҳида 2002 йил Осиё футбол конфедерацияси томонидан ташкил этилган чемпионлар лигасининг "Д" гуруҳи баҳслари бўлиб ўтади. Чорак финал учрашувларига етиб келган 16 та жамоа 4 та гуруҳга бўлинган бўлиб, бошқа гуруҳ ўйинлари Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн, Таиланднинг Бангкок ва Хитойнинг Дальян шаҳарларида ўтказилади. "Д" гуруҳида Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Эроннинг "Пирузи", Туркманистоннинг "Ниса" ва Ироқнинг "Ал-Талаба" клубларига қарши майдонга тушади. Мутахассисларнинг фикрича, январь ойида Бирлашган Араб Амирликларида, февраль ойида эса Туркияда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказган "Пахтакор"нинг тайёргарлиги етарли даражада.

СПОРТГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ўтказилган йиғилишда мазкур ҳудуддаги 80 та спорт иншоотлари таъмирланиши кераклиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, тумандаги 51 та мактабнинг 29 тасида спорт зали бор, холос. Танқидий руҳда кечган ва барчга масалаларга атрофлича тўхталинган ушбу йиғилишда мактабларга спорт кийимлари ва инвентарлар етказиб бериш ҳамда таъмирлаш ишларини бошлаш ҳақида келишиб олинди.

ОТА-ОНАМ ВА МЕН

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганидан сўнг ёш авлоднинг жисмоний етуклигига янада кўпроқ эътибор берила бошланди.

Жумладан, Фарғона вилоятида ҳокимлик, Болалар жамғармаси ҳамда вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан "Ота-онам ва мен" номи остида оилавий спартакиада бошланди. Тўрт босқичда ўтказиладиган ушбу мусобақада 714 та оила иштирок этиб, улар югуриш, арқон тортиш, узоқликка сакраш каби турлар бўйича беллашмоқдалар.

Наманган вилоятида ҳам ушбу шиор остида мактабларо спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, Болалар жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ҳаракати бўлимлари томонидан ташкил этилган ушбу соғлом оила мусобақаларида ўқитувчи ота-оналар ва уларнинг фарзандларидан иборат 13 та жамоа иштирок этди. Унда Давлатобод туманидаги Назаровлар, Наманган туманидаги Каримовлар ҳамда Янгиқўрғон туманидаги Раҳимовлар оилалари ғолибликни қўлга киритишди.

* * *

Тошкент шаҳридаги 441-боғчада ҳам ана шундай спорт тадбири бўлиб ўтди. Кичкинтойлар қалбида спортга нисбатан меҳр уйғотиш мақсадида ўтказилган мусобақаларда спортнинг бир неча турлари бўйича беллашувлар бўлиб ўтди. Болажонларнинг эпчил, чаққон ҳаракат қилишларини кузатган томошабинларда ушбу тадбир илиқ таассурот қолдирди.

ЎҚУВЧИ ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Собир Раҳимов туманидаги мактаб ўқувчилари ўртасида сузиш мусобақаси бўлиб ўтди. Ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида "Булоқ" сузиш ҳавзасида ташкил этилган мазкур мусобақада 13-14 ёшли қизлар иштирок этдилар. Унда 310-мактаб қизлари биринчи, 191-мактаб вакиллари иккинчи, 159-мактаб жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалар топширилди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОРТГА СУРИЛДИ

ФИФА ташкилоти Цюрихда бўлиб ўтган йиғилишда 25 март — 16 апрель кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилиши режалаштирилган ёшлар ўртасидаги футбол бўйича 20-жаҳон чемпионатини бошқа муддатга қолдирилишини маълум қилди. ФИФА президенти Жозеф Блаттернинг билдиришича, бунга Ироқ урушининг хавфи сабаб бўлган. АҚШ ва Буюк Британия давлатлари минтақадаги вазият боис, ўз ўйинчиларининг хавфсизликларидан



хавотирланмоқдалар. Мусобақаларнинг қачон ўтказилиши сўнгроқ маълум қилиниб, чемпионатнинг бошқа мамлакатга кўчирилиши кўриб чиқилмайди.

Футбол мутахассисларининг фикрларича, мусобақалар сентябрь ёки декабрь ойларига белгиланиши мумкин. Араб давлатлари орасида Тунис, Саудия Арабистони ҳамда Қатардан сўнг тўртинчи бўлиб мезбонлик қилиши кутилаётган Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби, Ал-Айна, Шаржах ва Дубай шаҳарларидаги олтита стадионда 24 та терма жамоа саралаш ўйинларини бошлашлари режалаштирилган.

КЛИЧКО: НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Газетамизнинг аввалги сонларида украиналик ака-ука оғир вазнли боксчилар Виталий ва Владимир Кличколарнинг каттаси Бутунжаҳон бокс кенгаши (WBC)га нисбатан Лас-Вегас федерал судига даъво аризаси билан мурожаат қилганлиги ҳақида хабар берган эдик. Боиси, Виталийнинг фикрича, у ва англиялик WBC ва IBF йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони Леннокс Льюис ўртасида апрель ойида жанг ўтказиш учун шартнома тузилган, лекин сўнгроқ Льюис буни рад этган. WBC ташкилоти эса ушбу учрашувни ташкил этишга эътибор бермасдан ўз қонун-қоидаларини бузаётган экан. Куни кеча WBC президенти Хосе Сулаймон номидан Виталийга билдирувнома келди. Унда ёзилишича, Кличко ҳеч қачон оғир вазнлилар ўртасида расмий талабгор дея эълон қилинмаган. Шунингдек, рейтинг бўйича I-ўринда турган боксчи билан расмий талабгор ўртасида фарқ бўлади. Льюис билан учрашиш учун эса Виталий аввало Эвандер Холлифильд билан куч синашиши керак. Ва унда ғалаба қозонсагина Льюисга қарши рингга чиқиш ҳуқуқига эга бўлади.

"МИЛАН" РОНАЛЬДОНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАЙДИ

Италиянинг "Милан" клуби президенти Массимо Морати бразилиялик футболчи Рональдонинг жамоага қайтиб келиши ҳақида матбуотда тарқалган хабарларни рад этди ва Рональдонинг қайтадан клубга қабул қилинмаслигини айтди. Футболчи ва "Милан" ўртасидаги шартнома жорий йилнинг кузига қадар тузилган бўлса-да, айрим сабабларга кўра, у эртароқ бузилган эди.

"МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД"НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

"Олд Траффорд" ўйингоҳида бўлиб ўтган "Манчестер Юнайтед" ва "Лидс" ўртасидаги учрашувда мезбонлардан омад юз ўгирди. Аввалига ўйиннинг 1-бўлимида меҳмонлар ташаббусни қўлга олдилар ва "Лидс" аъзоси Радебе 20-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Сўнгроқ 64-дақиқада Видука ҳисобни 2:0 га етказди. Ушбу ҳаракатдан хавотирга тушган Девид Бекхэмнинг жамоадошлари тенглашиб олишга ҳаракат қилдилар. Ва 79-дақиқада мезбонлардан Сильвестр рақиблар дарвозасига битта гол уришга муваффақ бўлди.

ЯНГИ РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ

"Спорт-экспресс"нинг хабар беришича, лангарчўп билан сакраш борасида дунё бўйича янги рекорд натижаси ўрнатилди. АҚШнинг Бостон шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада ушбу давлат вакили, енгил атлетика бўйича олимпия чемпиони Стэйси Драгила 4 метру 78 сантиметр баландликдаги тўсиқдан сакраб ўтиб, россиялик Светлана Феофановадан ўзиб кетди. Светлананинг кўрсаткичи 4,77 метрни ташкил этган эди.

ШЕВЧЕНКО МАЙДОНГА ҚАЙТМОҚДА

Италиянинг "Милан" клуби ҳужумчиси украиналик Андрей Шевченко яна яшил майдонга қайтмоқда. У 16 февраль куни "Лацио" билан кечган учрашувда оёғининг сон қисмидан жароҳат олиб, ҳозирга қадар тиббий муолажалар олган эди. Эртага "Милан" ва "Кьево" ўртасида бўлиб ўтадиган учрашувда Шевченко майдонга тушиши мумкин. Дарвоқе "Кьево" билан кечган аввалги ўйинда Андрей битта гол муаллифи бўлган эди. Лекин, ўшанда 3:2 ҳисобида "Милан" ютқазиб қўйганди. Эртага эса "Милан"ликлар қасдларини олишмоқчи.

КОНСТАНТИН ЦЗЮНИНГ БЎЛҒУСИ РАҚИБИ

Италиянинг "Corriere dello Sport" газетасининг ёзишича, WBC йўналиши бўйича 63,5 кг.гача бўлган боксчилар ичида мутлоқ чемпион саналган россиялик Константин Цзю чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолиш учун навбатдаги жангини ўтказади. Унинг бўлғуси рақиби италиялик Жанлук Брак бўлиб, учрашув июн ойида Москвада ўтказилиши кутилмоқда.

ФИФАНИНГ ОРТЕГА ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИ

ФИФА ташкилоти аргентиналик форвард Ариэл Ортеганинг расмий учрашувларда иштирок этишини таъқиқлаб қўйди. У ўзининг собиқ клуби Туркиянинг "Фенербахче" жамоаси билан шартнома масалаларига боғлиқ муаммосини ҳал этганидан сўнггина, унга рухсат берилади. Бундай муаммо Ортега "Фенербахче" билан шартномаси тугамасдан туриб, Аргентинанинг "Ривер Плейт" клуби билан битим имзолаганидан сўнг пайдо бўлди. ФИФАнинг қарорига кўра, Аргентина ва Туркия жамоалари ўзаро келишиб олмагунларига қадар, Ортега ҳеч бир клуб номидан майдонга тушишга ҳаққи йўқ. Аргентина футбол федерацияси президенти Хулио Умберто "Ортега мамлакат футболи учун кўп ҳисса қўшган. Лекин, шартномасини охирига етказиш керак", дея айтган.

Самарқанд Давлат Университети томонидан 1983 йилда Рахманова Мохира Саломовна номига берилган ИВ-1 №319190 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти педагогика билим юрти томонидан 1993 йилда Джалилова Марзия Гулямовна номига берилган РТ-I № 411634 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат авиация институти қошидаги махсус "AVIA-LITSEY" касаба уюшмаси жамоаси лицей директори Акром Аҳмедовга отаси
Бурхон ота Аҳмедовнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институт қошидаги лицей директори доцент А.Аҳмедовга отаси
Бурхон отанинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Lekin odamlarning boshi va yelkasiga oyoq tirab, insonni qiynash bilan qilingan har qanday ish, u qanday jozibali, go'zal, savobli va ezgu bo'lib ko'rinmasin gunohi azimdir.

Ko'ngil bitiklari

КАПАЛАКЧА

Хазон тагидаги эй капалакча,
Жимсан, учмоқликка борми қувватинг?
Зарҳал қанотларинг эккан кузмиди,
Ёки унутдингми, капалак отинг?

Сен севган баҳоринг қаён кетибдир,
Кузнинг оёғида бўлибсан асир.
Ўкинма, баҳоринг келади бир кун,
Шунда очилажак қалбингдаги сир.

Хаёлга берилиб ётма ястаниб,
Хазон баргларидан бўлма умидвор.
Қанот қоқиб, олға учавер фақат,
Сени ҳам кутажак манзилларинг бор.

Сурайё АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент Давлат Санъат институти II курс талабаси

Qatra

САВОБ "ИШ"

Бу одам ўз умри давомида кўплаб савоб ишлар қилишни мақсад қилиб қўйган. У инсондан фақат яхши, эзгу ишлар қолишини яхши билади. Ва қилаётган ишлари одамлар орасида обрў-эътибори ва ҳурматини ошираётганлигидан қувонади.

Бир куни у мадраса ёнидан ўтиб кетаётиб, қўл етмайдиган юқори даричаларни чанг, ғубор ва қурум босиб қолганлигини кўриб қолди. Бундай муқаддас даргоҳнинг нафақат ичи, ҳатто дарича ва деразалари ҳам тоза ва покиза бўлиши керак, деб хаёлидан ўтказди у. Шу атрофда юрган ўн-ўн бешта ёш-яланг ва қари-қартангларни чақириб, уларнинг ҳам эътиборини бу ҳолатга қаратиб, "Келинглар мана шу даричаларни ювиб-артиб тозалаб қўяйлик", — деди. Атрофдагилар бу савобли ишга жон деб бош қўшажакларини билдиришди. Кимдир супурги, кимдир бир челак сув, яна кимдир тоза мато топиб келди.

У эса беш-олтита одамни олдига чақириб, елкаларини тутиб туришини ва бу ишни ўзи бир пасда уддалашини айтди. Кимдир савоб иш қилишнинг бундай усулидан норизо эканини очиқчасига айтса, яна кимдир секингина ўзини четга олди. Лекин барибир бундай савоб иш учун боши ва елкасини тутиб туришга тайёр одамлар топилди. У эса бу одамларнинг елкасига чиқиб олиб, даричаларни тозалади, баъзан юқорирокдаги чанг ва қурумларни тозалаш учун одамларнинг бошига оёқ қўйишига ҳам тўғри келди.

Атрофда кузатиб турганларнинг кўпчилиги унга офаринлар айтди, олқишлади. Одамлар орасида унинг ҳурмат ва эътибори янада ортгандай бўлди. Унинг қалби савоб иш қилганидан ва одамлар орасида эътибори янада ортганидан фахр ва ифтихор туйғуларига тўлди. У ўзида йўқ хурсанд эди.

Ҳалиги ўзини четга олиб қочган ва ошкора бош тортганларга, "Мана, сизлар кўнгли қаролик, пастлик қилсаларинг ҳам хайрли ишни амалга ошира олдикку. Сизлар эса бундай савоб ишларга ҳеч қачон бош қўшмайсизлар ва қўшилганларни, айниқса бошчилик қилганларни кўра олмайсизлар" — дегандек заҳарханда табассум билан қараб қўйди.

Шунда одамлар орасидан кекса, кўп алғов-далғовларни бошидан кечирган, ҳаётнинг меҳнатини ҳам, роҳатини ҳам, азоб-уқубатларини ҳам кўраверib қадди бироз букилган бир чол чиқиб, унинг ёнига келди. Ва кўпчиликни қалбининг тўрида, тилининг учида турган, лекин ташқарига чиқишига нимадир тўсқинлик қилаётган гапни айтди: "Ўғлим, қалбинг эзгу ва савобли ишларга мойил эканини биламиз. Албатта, савоб ишни ҳамма қилиши керак. Ахир шу ишни нарвон қўйиб ёки бошқа бир нарсанинг устида туриб ҳам қилиш мумкин эди-ку. Лекин одамларнинг боши ва елкасига оёқ тираб, инсонни қийнаш билан қилинган ҳар қандай иш, у қандай жозибали, гўзал, савобли ва эзгу бўлиб кўринмасин гуноҳи азимдир. Зеро, инсон яратганнинг буюк кашфи, табиатнинг нозик хилқатидир. Уни топташ, оёқости қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилган эмас".

Ҳусайн БОЛТАЕВ
Хоразм вилояти

Bilib qo'ygan yaxshi

ТАОМ ЕЙАНДА ЧОЙ ИЧМАНГ

Эндигина баҳор кириб, атроф-муҳитда ўзгаришлар, уйғониш бошланган давр. Бу вақтда инсон танаси ҳам турли касалликларга мойил бўлиб қолади. Бунга ҳавонинг мунтазам ўзгариб туриши, витаминларнинг етишмаслиги сабаб бўлади.

Шунинг учун кексаларимиз айтганидек, ана шундай "илик узилди" кунларда ўзимизга, овқатланишимизга кўпроқ эътибор берсак, нур устига нур бўлади. Қуйида муштарийларимизнинг бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашамиз.

* * *

Кўпда кундалик урф-одатларимиз ҳам касаллик пайдо бўлишига хизмат қилишини сезмаймиз ҳам. Масалан, бир кунда неча марта овқатланмайлик, ҳар сафар дастурхонимизда чой бўлади. Эшигимизни тақиллатиб келган одамни ҳам бир пиёла чойга таклиф этамиз. Ваҳоланки, асосий таомлар билан ичилган чой, айниқса қора чой таркибидаги "танин" моддаси таом таркибидаги 90 % гача темир моддасининг сўрилишига тўсқинлик қилади. Шундан бўлса керак, америкаликлар ва европаликлар тушлик ва кечки овқат билан чой эмас, меваларидан тайёрланган компот ва шарбатлар, ҳеч бўлмаганда, қайнатилган сув ичадилар. Улар чойни овқатланишдан икки соат олдин ёки икки соат кейин ичишни маъқул кўрадилар.

Ҳар қандай касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган маъқулдир. Қуйидаги тавсиялар темир моддаси етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган камқонлик касаллигининг олдини олишга имкон беради.

- *таомлар билан кўкатларни кўпроқ истеъмол қилиш;*
- *чойни асосий овқатлар ейишдан камида 2 соат олдин ёки 2 соат кейин ичиш;*
- *хизмат ёки ўқиш вақтида қорин очқаганда қора майиз, ўрик қоқи, ёнғоқ ёки ерёнғоқ ейиш;*
- *таркибида С витамини бўлган маҳсулотларни кўп миқдорда истеъмол қилиш (чунки С витамини одам организмига темир моддаси сингишига ёрдам беради).*

Одамлар кўпинча баҳслашиб, олмани темир моддасига энг бой мева деб таъкидлайдилар. Текширишлар шуни кўрсатадики, энг темирга бой нарсалар — укроп, петрушка, оқ ловия ва кунгабоқар экан, олма эса темир заҳираси тўплаш жиҳатидан энг сўнгги ўринда турар экан.

Ҳамманинг саломатлиги ўз қўлида эканлигини ўқувчиларимизга ҳозирдан тушунтириб борсак, улар ҳаётлари давомида ўзларини турли-туман касалликлардан ҳимоя қилишга кўникиб борадилар.

Азимжон ПЎЛАТОВ,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 30-ўрта мактаб ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси

"ҲИКМАТЛАР" МУАММОНОМАСИ

Аввало қуйидаги мисраларда келтирилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

Гофур Ғулом:

1. Онам деганимда, оқсоч жафокаш,
Мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён.
Сен ахир бағрингда парвариш қилиб,
Кўзимга бахш этдинг 27, 22, 16, 6, 11, 14, 18, 27. жаҳон.

Абдураҳмон Жомий:

2. Фақат она эмас, менга 21, 3, 8, 8, 1, 17. зот,
Унинг мартабаси бундан ҳам зиёд.
Ишларим ривожи ўшандан кўрдим,
Бу 9, 1, 24, 17, 10, 3. ва тожим ўшандан кўрдим.

Асқад Мухтор:

3. Онам менга 23, 4, 1, 27. ато этган —
Меҳру муҳаббатга лим-лим тўлсин деб.
Эзгулиқ ва ёғду, камолга етган
Гўзаллик куйчиси бўлсин деб.

Собир Абдулла:

4. Оналикнинг мазмуни жаҳон билан тенг,
Навоий айтган 12, 1, 7, 5, 2. — шу мушфиқ она.
Қай инсондир онадан йироқ, бегона.
Шакли инсон, мазмуни ҳайвон деб айтинг!

Миртемир:

5. Аёл — бу ҳаётда тўлин ойсимон,
Дўстимизсан мушкулларда бегумон.
Боғлайсан ўқ есак жангда ногаҳон,
20, 1, 4, 16, 2, 14, 3. — дилбандга эса меҳрибон,
Онажонлардир, онажонлар...

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий:

6. Йўқ бизга онадек 8, 18, 7, 4, 3, 9, 5, 2.,
Сийнага қалқон, боз узра соябон.
Бизга ҳам лозим ани шод айламак,
Бизга қилган хизматин ёд айламак.

Маҳмуд Ҳасаний:

7. Боққа кириб қолдим бир куни бехос,
Қарасам, товланиб турибди 13, 1, 4, 5, 19.
Дедим: — Шунча лутфу назокат қайдан?
У деди: — Ҳаммаси онамдан мерос!

Шерали Лойиқ:

8. Еру осмон,
Қуёш ила ой,
Она — 15, 1, 17, 1, 2. умрбод азиз.
Йўқотдингми тополмайсан асло,
Чунки улар жаҳонда ёлғиз.
Нени топсанг ўхшашини, бас,
9, 22, 10, 5, 10, 8, 1, 26, 1, 25. унга муқаддас.
Сен заминдай танҳосан, она,
Сен заминдай нодир ягона!

Энди жавоб сўзлари асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Бунда улардан оналаримиз мадҳ этилган ибратли сўзлар ва унинг муаллифи устоз мураббий, олимнинг исми-шарифини билиб оласиз.

→	5	2	1	2	3	2	6	0	20	1	4	16	1
22	10	13	1	9	0	7	1	8	,	9	1	7	2
0	8	,	9	5	4	10	3	26	3	0	7	5	14
2	1	-	23	0	19	18	15	3	2	13	1	10	10
1	7	3	8	5	2	5	15	.	0	3	8	1	1
10	0	17	19							0	,	9	4
3	3	1	11							7	27	0	3
9	17	9	0							2	18	7	0
0	1	9	8							8	10	1	11
1	10	1	3							0	1	8	13
19	15	7	7							20	12	0	11
4	1	11	1							1	1	9	2
1	14	8	4							4	6	22	0
2	0	,	0							16	3	10	21
0	6	3	.	4	3	14	3	14	2	1	0	8	3
13	2	13	2	5	15	11	21	,	8	1	7	1	10
18	3	2	4	1	10	1	2	5	.	3	14	25	6
7	0	3	2	3	17	1	8	16	3	24	0	2	1

ОНАЖОНЛАР МАДҲИ

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-210.
Тиражи 32240. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.
Навбатчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(м) белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00